

ФИРДАВСИЙ

Шоҳнома

ТОШКЕНТ 1993


"ОРИЁНО" ТОЖИК МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ
"СОТИМХОН ҲОЖИ" МАЪРИФАТ ШЎҶБАСИ

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

Шоҳнӯма

(Симург ва Зол достони)

Насрға табдил этувчи
Тожикистон халқ ёзувчisi, Рудакий мукофоти
лауреати СОТИМ УЛУҒЗОДА



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти

Таржимон
РАҲМОНХЎЖА ИНЬОМХЎЖА ўғли

Нашриёт мұҳаррири
УМУРЗОҚ ЗОКИР

7020540101—408

рез. 92

4355 (04)—92.

© "Сотимхон Ҳожи"

маърифат шўбаси, 1992 й.

SBN 5-648-01804-5

АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Оламда "Шоҳнома"га тенг келувчи буюк асарни топиш амри маҳсол. "Шоҳнома" неча асрлардан бўён жаҳон маънавий маданиятиниң шоҳ асари бўлғанб қолмоқда.

Таассуфки, "Шоҳнома"нинг ўзбек тилига таржималаридан бирортаси ҳам "Шоҳнома" моҳиятини тўла очиб беришга қодир эмас. Шунинг учун ўзбек китобхони бу оламшумул дурдона неъматларидан етарлича баҳра ололмаётir.

Ўн асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган "Шоҳнома"нинг тили ҳозирги тожиклар учун ҳам анча мураккаб. Шунинг учун йирик тожик ёзувчиси Сотим Улугзода "Шоҳнома" достонларини насрйи услубда қайта ҳикоя қилиб беришдек масъулиятли ишга қўл уриб, уни ажло даражада адо этди ва айни ана шу табдили учун Рудакий мукофоти лауреати бўлди. Куйида ўзбек китобхонларини буюк аллома — Фирдавсий ва замондошимиз, машхур адаб Сотим Улугзода қаламидан сайқал топган биргина достон — "Симург ва Зол достони" билан ошино этишга қарор қилдик.

"Шоҳнома" маънавий хазинангиз дурдонаси бўлиб қолишига тилак дошмиз, азиз ўқувчи!

СОТИМХОН ҲОЖИ

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИМ!

СИМУРҒ ВА ЗОЛ ДОСТОНИ

Забулистан ҳукмдори Наримон ўғли Сом фарзандсизлик додидан изтироб чекар, кўп замонлардан бери фарзанд кўриш йаштиёқи билан ёнарди. Иттифоқо, баҳти очилиб, унинг хотинларидан энг барис ва гулрухсори ҳомиладор бўлди. Сомнинг қалби шодликка тўлди, умид билан меросхўр кута бошлади. Вақти-соати етгач, хотин ўғил туғди. Гўдак кўринишидан жуда чиройли бўлса ҳам, лекин, эвоҳ, соchlari оппоқ эди.

Аёл ва доялар бир ҳафта гўдакнинг туғилганини Сомдан пинҳон тутдилар, чунки унинг севикли хотини қари чақалоқ түқданини айтишга ҳеч ким журъят қила олмасди. Охири доялардан бири юрак ютиб, паҳлавон Сом ҳузурига кирди ва фарзандлик бўлганидан унга мужда берди.

— Эй жаҳонга донги кетган паҳлавон! Кўрган кунинг хурсандлик бўлсиц, ганимларнинг қалби аламга тўлсин. Худо тилаган нарсангни сенга ато этди: хотининг паҳлавон бир ўғил туғди. Унинг бадани соғ к муш каби бўлиб, юзидан жаннат нишонаси намоёндир. Унинг тўрт мучаси бут, фақатгина соchlari оппоқ, холос. Толеинг шу экан, қалбингга озор берма, ношукурлик қилма.

Сом боргоҳдан чиқиб, ҳарамга кирди. Хотини қўйнида бир болани кўрди — бундай болани на бирор кўрган, на бирор эшитган эди. Боланинг чеҳраси тўлин ойдек, уни кўрган одам дилида меҳр уйғонар, лекин соchlari ва қошлиари қордек оппоқ эди.

Сом бирдан маъюс тортди. У одамлар мазах қилишидан, масхара бўлишдан қўрқарди. Сом ҳарамдан ташқари чиқди ва ҳасрат ва надоматга тушди:

— Эй, худо! Нечун шунча орзу-ҳавас билан кутган фарзандимни онаси қорнида қаритиб қўйдинг. Мен нима гуноҳ қилган эдимки, шунчалик жазони менга раво кўрдинг?

Эй, тўғри-эгридан воқиф худойим,
Яхшилик яралар раъйингдан дойим.

Агар қилган бўлсам мен оғир гуноҳ,
Девларнинг измида бўлсам ҳам, эвоҳ.

Карамли тангридан кутардим карам —
Қилмайин ошкора, кечирав эгам.

Бола-чи,— аждоди гўё Аҳриман,
Кўзлари қора-ю, соchlari суман.

Аллар йўли бунда тушив бир маҳал,
Баднишон болани кўриб қолсалар.

Не дерман сўрсалар: "Бу қандай бола,
Парими, йўлбарсми, у нечун ола?"

Уни деб устимдан ошкору ниҳон,
Кулажак киборлар, амиру султон.

Исноддан тарк этай Эронни тамом,
Дайдидек дарбадар кезайин жаҳон!"¹

Сом болани юргидан узоқ бир жойга элтиб, ташлаб келишини буюрди. Унинг навкарлари зор-зор йифлаб қолган она қўйнидан гўдакни тортиб олиб, Албруз тоғига элтиб ташладилар.

Ота меҳрсизлиги туфайли бу бегуноқ паҳлавончзода тоғ этагига ташланди ва жазирама қуёш-у қор-ёмғир тасирига гирифтор этилди. Агар тақдири азал унинг олдига раҳмдил Симурғни йўлламаганда эди, бола бечора хорлик билан ҳалок бўлиши ёки бирор йиртқичга ем бўлиши муқаррар эди.

Иттифоқо, Симурғ ана шу тоғта ин қурганди. У болаларига ризқ топиш илинжидат парвоз этиб юрганди. Шу он унинг ўткир кўзлари ҳимоясиз ётган инсон боласига тушди ва унинг ёнига қўнди. Бола жазирама қуёш остида ётар, бармоғини сўриб, фарёд чекар эди. Хоро тоши унга бешик, тупроқ доя, эгнида либосдан асар ҳам йўқ, лаблари она сути хуморида тамшанаради.

Агар у бирор айиқ ёки йўлбарс боласи бўлганида ҳам онаси уни бирор тош ёки қоя панасига ётқизиб қўйган бўларди. Симурғнинг болага раҳми келди, унинг қалбидаги мурғакка нисбатан меҳр уйғонди, ахир у ҳам она эди-да! У гўдакни кўтариб, инига олиб кетди ва болалари олдига қўйди. Олдинига, ҳойнаҳой, оч симурғчаларим уни чўқий бошласалар керак, деган хаёл билан болани ҳимоя қилишга шай турди. Лекин полапонлар гўдакка ҳайрат кўзи билан тикилар ва жим турадилар.

Симурғ меҳрибон она каби мурғак болани парваришлай бошлади. Кичик симурғчалар эса унга ука ва сингил бўлдилар. Бола симурғчаларнинг емишига ўрганди, ялангоч бадани иссиқ-совуққа, шамолу ёғинга ўрганиб тобланди.

Кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб, бола паҳлавонсифат, бўйи-басти келишган йигит бўлиб етишди.

Шу тоғ этагида карвон йўли бўлиб, бу ердан савдогарлар ўтар эдилар. Улар йигитни кўрган ва тоғда сайр этиб юрадиган

¹ Шеърий мисолларда қисман Шонислом Шомуҳамедов таржималаридан фойдаландик.

кумушсимон гавдали йигит ҳақидағи хабарни бошқа юртларга тарқатын әдилар. Лекин бундан олдинроқ фарзанд дөғида күйган, фалаксинг нотантилигидан хафа Сом Зобулда туш күрган эди. Тушиға Ҳиндустондан бир нуроний мұйсафид учқур отта миниб келған ва унға шундай хүшхабарни етказған әмиш: "Үғлинг тирик ва нақирондир".

Сом үйчиб үйғонди ва мұйбаддарни тилади, тушини уларга баён этиб, сүради:

— Тушимнинг таъбирини қандай деб үйлайсиз? Үғлим очликдан, иссиқ-төвүқдан ўлмай қолганига, тирик эканига ақлингиз ишонашими?

Мұйбаддар уни маломат құлдилар:

— Шеру йұлбарс қуруқликда, балиғу нақанғ сувда болаларини меҳр билан парвариш қиласы. Сен одамзод бўла туриб, бегуноҳ боланини тоғларга ташлатдинг, хор құлдинг, унинг оқ сочидан ор құлдинг. Хўш, айтчи, оппоқ соч, кумушдек баданида гуноҳ бормиши!?

Улар яна сўзладилар:

— Сен уни тирик әмас, ўлган, деб айтма. Тангри сақлаган зот иссиқ-төвүқдан ўлмайди. Үғлингни топ, қидирғанга толеъ ёр, дейдилар.

Шу гапдан бир неча кун ўтгач, Сом қулоғига Албруз тоғларида Симурғ асраб олган бола борлиги ҳақидағи гап етиб келди. У тезлик билан отланиб, аъёнлари ҳамроҳлигига тоғ сари йўл олди.

Мазилга етиб келгач, гүё юлдузлар билан сирлашаётгандек Сурайяга бўй чўзган тоғни кўрдилар. Тоғ ёнбағридан анча юқорида, чўққин яқин бир ерда Симурғ ини кўзга чалинарди. У катта қояточ устига мустаҳкам қилиб қурилган бўлиб, устунлари сандал ва обнус ёғочларидан тўқилганди.

Сом Симурғ ҳайбати ва инининг улуғворлигидан ҳайратга тушди. Елкадор, бақувват, кўринишидан Сомга ўхшаб кетадиган бир ўспирин ин атрофида айланиб юрарди. Сом ҳамроҳлари билан инга чиқмоғни бўлиб йўл изладилар, лекин бундай йўлдан ном-нишон ҳам йўқ эди. Симурғ тоғ чўққисидан туриб, ўткир кўзлари билан уларни кўрди. Таниди, улар асранди дилбандини олиб кетишга келганини тушунди. У йигитга айтди:

— Зй, ўғлим! Қара, отанг бу тоғга ўз фарзандини сўроқлаб келибди. Сен тоғу тош азобини кўп тортдинг, қор-ёмғир ранжини чекдин. Мен доя бўлиб, қўлимдан келганча сени парваришладим, энди эса сени кўтариб, отанг ихтиёрига элтиб бермоғим раводир.

Йигит бу сўзларни эшишиб ғамгин бўлді, йиглади, ўз меҳрибонидан айрилиш унға оғир эди. У одамлар билан учрашмаган бўлса кам, Симурғдан гапиришни ўрганиб олган ва эсли-ҳушли йигит ўлиб етишган эди. Йигит Симурғга деди:

— Мендан бөзор бўлдингми? Мен учун энг севимли жой сенинг ошёнинг, ҳаммадан яхши бошпана сенинг меҳрибон қанотларингдир. Мени ўлим чангалидан қутқариб олиб, тарбиялаганинг учун сендан чексиз миннатдорман.

— Сендан айрилишга рози бўлишим сабаби бөзор бўлганимдан эмас,— жавоб берди Симурғ,— йўқ, асло! Сени подшоҳликка юбораяпман, тожу тахт сенга мунтазир. Доимо ёнимда бўлишингни хоҳласам ҳам, ҳозир у ерга боришинг зарурроқ, деб биламан. Сен менинг бир дона паримни олиб, доимо ёнингда сақлагин. Борди-ю, бошингта бирор иш тушса, одамлар сенга ёмонлик қилсалар, хўрласалар, ўша парни ёқгин, ўша заҳоти мен булутдек бошинг узра пайдо бўламан ва сени кўтариб бу ерга олиб келаман. Сенга бўлган меҳрим қалбимдан асло ўчмайди, сен ҳам дояигни унутма.

Симурғ қанотларини кенг ёзи, йигитни кўтариб булутлар оша парвоз этиб, отаси қошига келтириб туширди.

Ота фарзандининг баҳордек гўзал юзини, фил каби бақувват гавдасини кўриб, унга кўнгил қўйди, уни қучоқлаб кўришди, йиғлади. Сом Симурғ ҳузурида бош эгиб таъзим бажо айлади, қилган меҳрибончилиги-ю, нажоткорлиги учун уни мадҳ этди.

Симурғ ошиёнаси томон учиб кетди. Сом ва ҳамроҳлари уни миннатдорчилик туйфуси билан кузатиб қолдилар.

Бахтиёр ота ҳамон кўз ёши тўкар ва ўғлига айтарди:

— Дилингда менга нисбатан гина сақлама, бўлган ишга саловот, ўтмишни унут. Мен то абад сени жонимдан азиз тутиб, меҳрибонлик қиласай. Мана, сени яна топиб олдим, энди дилингдэги барча орзу-истакларингни ўринлатаман.

Уларнинг барчаси бирга шоду хуррамлик билан йўлга тушдилар.

Сом ўғлига Золи Зар деб ном қўйди.

Зобулистонга келиб, Золи Зар от минишу ов қилишни, қиличбозлигу найза отишни, хуллас, шоҳлар учун лозим саналган барча ҳунарларни ўрганди.

Сом мунахжимларни чорлаб, ўғлининг толеини кўриб қўйишини буюрди. Улар сайёralар ҳаракатию юлдузлар жойланишини синчилкаб кўриб, бу йигит донгдор ва ёнгилмас паҳлавон бўлишидан башорат қилдилар.

Сом бу башоратдан хурсанд бўлди, ўғлининг келажагидан кўнгли тинчланди.

ЗОЛ ВА РЎДОБА ДОСТОНИ

Кунлардан бир кун Золи Зар саёҳат қилгиси келиб, сипоҳи ва дарбор аҳли билан Кобулистон томонга борди. Улар ҳар бир қўнган жойларида катта зиёфатлар уюштириб, кўнгилхушлик қилардилар: бир неча кунни шу зайлда ўтказгач, шод-хуррамлик билан

Кубулистон ҳудудига етиб келдилар ва бу юрг пойтахти яқинида дарё табига чодир тикдилар.

Кобулистон вилоятининг ҳукмдори Мехробшоҳ Зобулистон пайдо ҳига бож тўлар эди. У навқиронвалинсъматининг ташрифидан ҳебар топиб, эрта тонгда сипоҳ ва муносиб совғалар билан Золниг ҳазурга борди. Зол уни иззат билан кутиб олди, унинг шарафига роқсу мусиқа, гулгун шароб ва гулчеҳра соқийлар билан шоҳона бўзм қурди.

Онеч Зол Мехробга ёқиб қолди, айниқса, навқирон шаҳзоданинг хонқ-товори, ақлу заковати унинг қалбини ром этган эди.

Зифрат тугаб, Кобулоҳ ўз чодирига кетгач, уни яхши биладиган зобуллик аъёнлардан бири Золга Мехробшоҳнинг ҳурилиқ бир қизи бошлигини айтиб, унинг чиройини таърифлай кетди:

Филнинг суягидек ул оппоқ бадан,
Қомати мисли сарв, чеҳраси гулшан.

Сиймин елкасида жуфт мушкин каманд.
Товонига қадар ҳалқа банду банд.

Лаблар анор дони, юзлари гулнор.
Кўксисида бежирим туар қўш анор.

Кўзлари наргису юзи мисли боғ,
Киприклар тим қора, зор қаноти, зор.

Икки қоши — икки тарозий камон,
Яноқларда мушкдин ноз парда — алвон.

Юзидан ранг олмиш кўкдаги ой ҳам,
Сочидан бўй олмишдир мушкин хўтнан.

Мухтасар сўйласам, жаннатдир, жаннат,
Бошдан оёққача кўрку латофат.

Бу таърифларни эшитган Золниг юраги ҳаприқди, кўксига чўғ тутди. Туни билан ул кобуллик паризод иштиёқида мижжа қоқмай, хаёс сириб чиқди. Тонгда барча аъёнлари саломга келдилар, улар қатни Мехроб ҳам ҳозир бўлди. Зол унга илгаридан ҳам кўпроқ илттоғи кўрсатди, ҳатто ўзининг донгдор пахлавонларидан юқорига ўтказди ва деди:

— Мендан не тилагинг бўлса, айт!
— Энди ҳукмдор,— жавоб берди Мехроб,— менинг ягона тилагим шуди, марҳамат кўрсатиб, хонадонимга қадам ранжида қилсанг, менинг азиз меҳмоним бўлсанг, юзинг офтоби нури билан менинг куламни мунаввар қилсанг.

Зол бир зум хаёл суреб, деди:

— Сенинг уйингга бормоқ мен учун мушкул. Агар отам Сом бутпаратлар уйида меҳмон бўлиб, улар билан майхўрлик, айш қилганимдан хабар топса, ранжиши муқаррар. Шундан бўлак нима тиласанг, қабул қиласан.

Меҳроб Заҳҳок авлодларидан бўлиб, бутга сифинарди. Шунинг учун ҳам Золи Зар дарборидаги аъёнлар, ўзлари зардушти мазҳаб бўлганликлари туфайли, Кобулистон шоҳига эътиборсиз, бегона кўз билан қарап эдилар. Фақат Золниг Меҳробга бўлган хос таважжуҳи, унинг ўзи ақл-заковатли, тадбирли одам бўлганлиги туфайлигина улар мезбонга ҳурмат билан муомала қилмоқда эдилар.

Меҳроб ёш ҳукмдор сўзларидан ицида ранжиди, уни нопок диндан дея атади, лекин шунда ҳам сир бой бермасдан, унга ҳамду санолар ўқиди, Золи Зар эса Меҳробга тикилиб турса ҳам, фикру зикри унинг қизида эди. У фойибона ошиқ бўлганди.

Золниг қалбини андишалар чулғаб олди: "Бутпарат шоҳ қизига кўнгил бериши кибору аъёнлар орасида, барча ҳалқ орасида унинг обрўйини тўкиб қўймасмикин?.."

Меҳроб Золниг ҳузуридан ўз саройига қайтгач, тўғри ҳарамга кириб, қизи Рўдоба ва хотини Синдухтни яхши сўзлар билан сўиди. У ҳар гал қизини кўрганда Рўдобанинг чиройи кундан кунга очилиб, яна ҳам гўзалроқ, нозанинроқ бўлиб бораётганини сезарди, азиз фарзанди дийдорига асло тўймасди. Бугун эса дурру гавҳар тақинчоқлар, гул баргидан ҳам нозикроқ матолардан тикилган либослар, анбар сепиб тараалган зулфлар унинг ҳуснига ҳусн қўшган эди. Меҳроб дилидан ўтказди: "Бу феруза гумбазли осмон тагида менинг қизимга муносиб шоҳ ёки шаҳзода ҳам топилиб қолармикан?!"

Шу он Синдухт эридан истеҳзоли оҳангда сўраб қолди:

— Сомнинг ўғли қандай экан? У ўзи учун подшоҳлик тахтини азизроқ билармикин ёки Симурғ ининими? Одамзодга эл бўлибдими?

Золи Зарниг мардлигию очиққўллигидан қойил қолиб келган Меҳроб хотинининг истеҳзосини қабул қиласади.

— Эй ой юзли, нозанин ёрим,— деди у,— замона шу кунгача Зол каби шоҳсувор алп, ҳиммати баланд мард, саодатли шаҳзодани кўрмаган. У дарборида зар сочиб, одамларга дур ила гавҳар ҳадя этади. Айтишларича, у жанг майдонида маст шер каби беомондир. Унинг кўринишини сўрайдиган бўлсанг, юзи арғувон гули каби ол, қомати сарви шамшод сингари келишган. Ягона айби соchlарининг оппоқлиги, бундан ўзга заррача ҳам айби йўқ. Лекин соchlарининг оқлиги ҳам ўзига ярашиб туради.

РЎДОБА

Бу таърифларни эшитган Рўдабанинг сийнаси ҳаяжон билан тўлиб тоғоди, юзлари анор гулидек қизарди. Отаси тасвирлаган Золниңг сиймоси қизнинг дилини мафтун этди. Ахир, донишманлар "Эркакан сўз очма аёл олдида!", — деб бекорга айтмаганлар. Бу гапда никмат бор.

Рўдабанинг беш нафар паричеҳра жувонлару ой юзли қизлардан иборат доялари ва хизматкорлари бор эди. Орадан икки-уч кун ўтгач, Рўдоба уларга шундай деди:

Сизлар менинг сирдошим ва ғамгусоримсиз. Сир тутмайман, мен Золи Зарга пинҳона ошиқ бўлиб қолдим:

Ошиқман, ишқимнинг денгизи чунон
Мавж утар, тўлқини етар то осмон.

Зол ишқи дилимни олмиш мутлақо,
Хаёли тарк этмас уйқумда ҳатто.

Дилимда, ҳушимда унинг хаёли,
Үнгимда, тушимда унинг хаёли.

Сиз дилимнинг муродини ҳосил қилиш чорасини изланг, лекин бу сирдан ўзга бирор жон огоҳ бўлмасин.

Доялар малика сўзларини уятсизлик ва беномусликка йўйдилар, подшоҳ қизига шундай сўзу шундай иш муносибми, дея уни маломат қилдилар. Уларнинг бешалови ҳам Аҳриман сингари қаҳр билан ўринларидан сапчиб туриб, бонуларига шундай жавоб қилдилар:

— Сен жаҳондаги барча гўзалларнинг гўзалисан, маликаларнинг сарварисан. Ҳусну жамолинг овозаси Ҳиндан Чингача ёйилган. Канауж ва Румда сенинг юзингта сажда қиласидилар. Сен бўлсанг отаси ғувғин қилган, тоғдаги қандайдир бир қуш доялик қилган кимса билан бир ёстиқقا бош қўймоқчисан. Ахир, бу қандай шармандалик? Устига устак, онаси қорниданоқ қарип туғилган, одамла оғзида дув-дув гап бўлган. Сендеқ паризоднинг гўдаклигидаёқ қариган бир одамга кўнгил қўйиши яхими? Во ажабо, ахир:

Шу ҳуснинг-ла наҳот сен Золни десанг,
Барча ҳайрон, оқсоқ шу чолни десанг.

Бу юзу қадду зулғаким бермиш фалак,
Арзир күёв бўлса кўқдаги малак.

Бу нордон сўзлар оловга дам урилгандек Рўдоба қалбидаги муҳаббатни батттар алангалаатди. У зарда билан доялардан юз ўгирди, кўзларини юмди, қошларини чимирди.

— Барча сўзларингиз хом, улар қулоқ солишга ҳам арзимайди. Менинг қалбим бир қўёш фироқида куймоқда, мен қандай қилиб уни ой висоли билан овута оламан. Сиз гулни гилдан фарқлай олмабсиз. Гулнинг гилга қандай муносабати бўлсин! Ахир бироннинг жигарига сирка даво бўлса, уни асал билан тузатиб бўладими? Менга турк султони ҳам, Чин фагфури ҳам, Эрон шоҳи ҳам керак эмас. Менинг қалбим Сомнинг ўғлига муштоқ, хоҳ у қари бўлсин, хоҳ у ёш. Қалбим уни пинҳона ихтиёр этди, мен унинг чеҳраси-ю сочига эмас, балки унинг ҳунари, камолотига ошиқ бўлганман.

Бу сўзларни эшитган доялар итоаткорлик билан бош эгдилар. Уларнинг бошлиғи ҳаммаларининг номидан айтди:

— Эй малика, биз сенинг канизларингмиз, фармонингни бажаришга ҳозирмиз. Бизга ўхшаганларнинг юз мингтаси сенга фидо бўлса арзиди. Истасанг афсунгар бўлиб, жоду билан қушга айланниб учамиз, оҳу бўлиб ютурамиз, Зобулшоҳнинг ўғлини ҳузурингга келтирамиз.

Бу гапларни эшитган Рўдобанинг лабига табассум югурди ва заъфарон упа таъсирида булут орқасидан кўринган қуёшдек товланган юзини дояларига ўгирди:

— Агар шу тугунни еча олсангиз, шундай бир дарахт ниҳолини ўтқазган билан тенг иш қиласизки, у дарахт ҳар кун сизга лаълу ёқут мева тушиб беради.

КАНИЗЛАРНИНГ ЗОЛ ҲУЗУРИГА БОРГАНИ

Бундай сахий ваъдани эшитган канизлар бонуларининг буйругини бажаришга икки чандон ҳаракат қила бошладилар. Улар ҳариру дебо кийимлар кийиб, соchlарига гулчамбарлар тақиб, дарё бўйига бордилар ва атайлаб Золи Зар қароргоҳи қаршисида гул теришга машғул бўлдилар.

Зол дарёнинг нариги соҳилидаги қизларни кўриб, ҳамроҳларидан сўради: "Бу қизлар ким?" Зобуллик шаҳзода хизматини қилишга тайинланган аъёнлардан бири унга жавоб берди: "Булар Мехробшоҳ қизининг канизлари, улар ўз бонуларининг амри билан гул тергани келгандар."

Золнинг қалби тўлқинланиб кетди. Фурсатни бой бермай, у бир нафар хизматкори билан дарё лабига келиб, камон сўради. Хизматкор камонни ўқлаб унга тутқазди ва ўзи қаттиқ қичқириб, дарё ўртасидаги қамишзордан қушларни учирив юборди. Зол чаққон ҳаракат билан қушлардан бирини отиб, дарёнинг нариги бетига,

қизлар тул тераётган жойга туширди ва хизматкорига тезда нариги бетга јтиб, ов қилинган қушни келтиришни буюрди.

Хизматкор қайиқقا тушиб, сувнинг у бетига ўтган эди, канизлар уни гана тутдилар. Катта каниз ундан сўради:

— Бир отишда учиб кетаётган қушни овлаган моҳир камондор ким?

Хизматкор лабини тишлади:

— Сакинроқ гапир, Нимрӯз шоҳи Соми Достоннинг ўғли. Бу замонда ундан паҳлавонроқ ва донгдорроқ киши йўқ.

Каниз кулди:

— Эй содда одам! Сенинг шаҳзоданг Мехробнинг қизидан машҳурроқ эмасdir, ахир Рӯдобанинг ҳусну жамоли овозаси бутун дунёни шутган!

Моҳчехра канизак кулиб дер қулга:
"Ортиқ мақтамагил, қара ўнг-сўлга.

Мехроб саройида бор бир тўлин ой,
Ҳусну малоҳатда юз бор ундан бой.

Бадани — моҳитоб, қомати шамшод,
Бошда мушкин зулфи тож қилмиш ижод.

Икки нарғис — жаллод, икки қоши — ҳам,
Икки қош устуни бир сиймин қалам.

Уйқуга мойилдек икки кўз ҳумор,
Сочлар мушкфому, лоладек рухсор.

Йккинчи каниз чўзиб ўтирмасдан гапнинг пўсткаласини айтиб қўя қолди:

— Биз Рӯдобанинг дояларимиз, шоҳнинг ҳузурига келдик. Унинг шаъну шавкати, ҳусну жамоли овозасини биз ҳам эшидик. Шунинг учун нозинин маликамиз ва Сомнинг ўғлининг бошларини бир қилишини мақсад қилганимиз. Улар бир-бирига муносибдирлар.

Хизматкор каниз сўзларини эшишиб, хурсандликдан бирдан чеҳраси пришиб кетди, чунки у ҳам валинъематининг Мехроб қизига ғотибона ошиқ бўлганидан хабардор эди-да!

— Айн муддао!— деди у.— Узукка кўз тушгандай бўлади!

Канизларга дейди: "Жуда ярашар —
Қуёшга ҳамдам бўлса нурафшон қамар.

Жаҳонда жуфтликни қилганда пайдо,
Ҳар дилга ишқ ўтин солмишдир қазо.

Агар ажратмоқни қылса эгам қасд,
Ажратур, унга ким кела олур бас?

Боғлаши ниҳондир, узиши ошкор,
Унга ҳам, бунга ҳам фалак устакор!

Хизматкор Зол олдига хурсандлигидан гул-гул очилиб қайтди.

— Жуда лабинг қулогингда, қизлар сенга нима дейишди?—
қизиқиб сўради Зол.

Хизматкор канизлардан эшитган гапларини оқизмай-томизмай
валинъематига етказди.

Зол шодликдан ҳаяжонга тушди, чеҳраси гулдай очилиб,
кўзларидан ўт чақнади:

— Тезда нариги қирғоқча ўтгин,— буюрди у хизматкорига,—
канизларга айт, кетмасдан турсинлар, бир оз кутсинлар, мен
Рӯдобага совға юбормоқчиман, гулдасталарга қўшиб, бонуларига
олтину гавҳар олиб борсинлар.

Хизматкор зудлик билан қайигини орқага бурди. Зол ҳазинадан
олтину гавҳар, беш сидра зарбофт кийим олиб, хизматкорларига
берди ва канизлар қўлига пинҳона топширишни буюрди.

Хизматкорлар бўйруқни бажо келтирдилар.

Катта каниз хизматкорларга шундай деди:

— Агар сир икки киши орасидагина бўлмаса, у очилиши аниқ.
Ундан уч киши воқиф бўлса, бу сир очилди, демакдир, тўрт киши
билса анжуман бўлади. Шунинг учун мен Сомнинг ўғли билан
яккана-якка сўзлашмоқчиман.

Хизматкорлар қайтиб кетдилар. Канизлар эса ўзаро сўзлашиб:
"Шер қопқонга тушди. Энди Рӯдoba ҳам, Зол ҳам
мурод-мақсадларига етишлари муқарар, бундан яхши иш борми?"—
дер эдилар.

Хизматкор катта каниз сўзини хожасига айтган замоноқ, Зол
ҳаялламай қайиққа тушиб, дарёнинг у бетига йўл олди.

Канизлар Золга таъзим қилдилар. Шаҳзода канизлардан
Меҳробнинг қизи қандай эканини сўради. У қизларга рост
гапиришни уқтириди, агар заррача ёлғон гапириб уни алдасалар,
фил оёқлари остига ташлатишини айтди.

Катта каниз Золни бир четта чорлаб, олдин унинг ўзини, кейин
эса Рӯдобанинг оламда ягона, тенги йўқ ҳусну жамолини
таърифлади. Буни эшитган Золи Зар маликага олдингидан ҳам
кўпроқ ошиқ бўлди.

— Хўп, мен қандай қылсам унинг олдига йўл топиб, висолига
етиша оламан?— сўради Зол.

— Сен унинг қасри олдига каманд билан келгин,— жавоб берди
каниз.— Қаср деворидаги кунгурага каманд солиб юқорига чиқасан.

Ҳозир эса бизга рухсат бер, бориб маликамизга висол муждасини етказайлар, уни сени кутиб олишга ҳозирлайлик.

Канизлар гулдасталар ва Зол берган совғаларни күтариб, йўлга тушдилар ва шом пайтида Рўдоба қасрига етиб бордилар. Эшикбон уларни шу пайтагача қаерларда санғиб юрибсизлар, деб уришди.

— Ахтар, баҳор-ку! — Важ кўрсатишди канизлар.— Биз гул тергани орган эдик. Мунча қўрқмасанг, гулистонда бизни ўғирлаб кетадиган дев бормиди?!

— Зол Зар келиб дарё бўйида саропарда тикиб турганидан хабарингиз йўқми? — жаҳл қилди эшикбон.— Кобулхудой ҳар оқшом қасрдан чиқиб унинг ҳузурига боради. Агар кўча-куйда гулдаста кўтариб органингизни кўрса, бошингизни танингиздан жудо қиласди!

— Золи Зар келган дейсаними? Йўғ-э? — муғомбирлик билан сўрадилар бу маккоралар.— Билмабмиз. Уни қаринамо ўспирин дейдилар бир кўрсак бўлармиди?...

Дарровда очилиб, канизлар ўзларини ичкари олдилар.

Рўдоба уларни интиқлик билан кутарди. Канизлар бири қўйиб, бири олиб бор гапни бонуларига айтиб бердилар. Улар Золнинг чеҳрасини аргувон гулига, қоматини сарви бўстонга ўхшатиб, оппоқ соchlарини дунёда йўқ ҳусн-тароват зийнати дея таърифладилар. Унинг салобатини эса маст шерга нисбат бериб, билимдошлигини мўъбадлар донишмандлигидан ҳам юқори дея мақтар эдилар. Бу билан улар Рўдобанинг дилидаги иштиёқ оташини яна ҳам кўпроқ аланаладилар. Катта каниз халталардаги олтину гавҳарларни унинг олдига тўкиб, совғаларни топширди.

Канизлар Зол бу ерга келмоқчи эканини айтиб, ҳам ошигу ҳам маъшуқа бўлиб ёнаётган бонуларини тезроқ олийқадр меҳмонни кутиб олиш тайёрлигини кўришга ундалилар.

Кўзларда барқ уриб севги ёғдуси,
Рўдоба дилида кўрмак орзуси.

Совға гавҳарларни олдига қўйиб,
Яна эшитгуси келарди тўйиб.

Сўрарди: "Сом ўғли нечук, иш, сўзи,
Шуҳрат — овозага арзирми ўзи?"

Рўдоба дили шавқ ва шодликдан лиммо-лим тошиб ётган бўлса ҳам, миғидида қулиб қўйди ва канизлардан истеҳзо билан сўради:

— Фикрингиз, сўзларингиз бунчалик тез ўзгариб қолмаса?! Қуштарби ясили олган оқсоҳ Зол дарровда аргувон юзли, сарвқадга айланаб қолдими? Ҳали менинг таърифимни ҳам унга келиштириб айтиб, бир нарса ундиргандирсиз?...

Рўдобра канизлари билан биргаликда шифти ва деворларига ҳар хил суратлар, манзаралар чизилган хонани ота-онасидан пинҳона хитойи матолар билан безаб, мушку анбар сепди. Канизлар хонага заррин идишлар келтирдилар, бурчак-бурчакларга нақшинкор, нафис гулдонлар қўйиб, уларга бинафшаю нарғис, аргувону савсар, ёсуману райҳон солиб безадилар. Бутун саройга ёқимли ҳид таралди.

УЧРАШУВ

Тун қоронгусида Зол пинҳона Кобулга йўл олди. Келишиб қўйилган жойда Рўдобра канизларидан бири уни кутиб олиб, малика қасри деворлари остига бошлаб келди.

Қаср томида унинг йўлига кўз тикиб ўтирган Рўдобра Зол девор ёнида кўринган ҳамоно бошидаги ёпинчигини олиб овоз берди:

— Хуш келибсан, эй шерзод!

Зол юқорига қаради: кўзига қаср томи қизнинг жамолидан тараалган нурдан ёришиб кетгандек туюлди. Шаҳзода унга жавоб берди:

— Эй ҳурнажод, мендан сенга салом ва самолардан сенга оғаринлар бўлсин! Кўп тунларни сенинг хаёлинг билан юлдуз санаб ўтказдим, дийдорингни бир бор кўриш орзусида парвардигорга илтижо қилдим. Мана, муродимга етдим. Пок эгамга чексиз шукрлар бўлсин!

Рўдобра икки тутам қилиб ўрилган соchlарини пастга туширди:

— Буни тутиб олдимга чиқ.

Зол қизнинг бу ишидан ҳайратга тушди. Маликанинг мушкин сочини олиб ўпди-да, унга хитоб қилди:

— Йўқ, асло! Сенинг бир тола сочинг узилганидан ёки сенга заррача озор етганидан кўра сийнамни чок қилиб, юрагимни суғуриб ташлаш менга осонроқ.

Зол камандни олиб юқорига отди, унинг ҳалқаси қаср кунгурасига илинди. Шаҳзода унга осилиб, томга чиқди. Рўдобра Золнинг қўлини тутиб, у билан бирга пастга, хонага тушди.

Зол Рўдобра хилватхонасининг зеб-зийнати ва шукуҳини кўриб ҳайратга тушди. Лекин у бундан ҳам кўпроқ маъшуқасининг тенги йўқ ҳусну жамолига мафтун бўлган эди. Қиз ҳам Золнинг канизлари таъриф қилгандан ортиқроқ эканига амин бўлди.

Шоҳона зиёфат бошланди. Сўнг икки ошиқ висол дамлари лаззатидан кўнгилларини хушнуд этдилар.

Шаҳаншоҳ шукуҳи билан Золи Зар
Ой ёнида нурга чўмид ўтиравр.

Белбогда ярақлар исфаҳон ханжар,
Бошидаги токи ёқуту гавҳар —

Рўдоба жонига олов-ўт ёқар,
Кўзларин узолмас, ўғринча боқар.

Зўр билак, кенг елка, ёлига қарап,
Тонги талқон қилур Золига қарап.

Рухсори нуридан жонида олов,
Қарагани сари қонида олов.

Ўпич, қучоқ бўлди севги ундови,
Лек оҳу бўлмади қотлоннинг ови.

Ниҳоят, Зол севгилисига айтди:

— Ой юзли, мушкин зулфли ёрим, агар Манучеҳр меҳ
ишиқ достонимни эшитса, дарғазаб бўлиши аниқ. Ота
буттарастлар хонадонидан ўзимга жуфт танлаганимни билса
хўхр қиласди. Лекин мен жонимдан воз кечиб, кафан к
резиздан, аммо сен билан қилган аҳду паймонимдан қайти
Шаҳриншоҳ ва отам қалбидан хусуматни юваб ташлаш уч
тингрим ҳузурига илтижо қиласман.

— Мен ҳам шундай,—деди Рўдоба.— Менинг кўнглини
сондан ўзга подшоҳ йўқ ва бўлмайди ҳам. Ёруғ жаҳонни
худоним сўзим чинлигига гувоҳдир.

Дарбор томондан тонгти ногора овози эшитилгандаги
кетилига ҳозирланди. Икки ошиқнинг бир-биридан айрилги
эзи, кўзларини ёш пардаси тўсади. Улар энди тиф ураётган
"е сабабдан бунча шошдинг, висол тунини фироқ тонги
амма штирдинг", дёя таъна билан қарап эдилар. Ниҳоят, икк
кўнгли вайрон бўлиб, ноилождан хайрлашдилар. Зол к:
силиб, бу лаззатмакон қасрдан пастга тушди.

ЗОЛНИНГ СОМГА НОМА ЙЎЛЛАГАНИ

Зол ўз қароргоҳига хаёлу андишаларга чўмиб
Мулозимига аъёнлар, мўъбадлар ва лашкарбошиларни ҳ
чакиришни буюрди.

Утар бир-бир Зол саропардасига кириб салом бердилар.
т пленниб бўлгач, Золи Зар сўз бошлади:

— Биласиз, бу жаҳон одам билан обод, лекин эркак

авлоди йўқ бўлиб кетади. Донгдор паҳлавонлар учун ҳам фарзанддан азизроқ нарса йўқ бўлса керак. У ўзини фарзанди вужудида тақрорлайди, фарзанди сиймосида янги ҳаёт кечиради. Энди мен сизларга қалбим розини айтай. Менинг қуёшим Мехроб қасридан балқиб чиқди, мен унинг қизига кўнгил қўйдим. Сиз, мўъбадлар ва донишмандлар, нима деб ўйлайсиз, отам Сом менинг бу ишими маъқуллармикин? Манучеҳр нима деркин? Бу ишни менинг ёшлигимга йўярмикан ёки менга айб қўйиб, қаҳр қиласармикин? Ахир, хотин олмоқни бизга худо ва дин буюради, донишмандлар ҳам бу ишни айб ва уят деб билмайдилар, шундай эмасми?

Мўъбадлар . нима дейинни билмай қолдилар, тиллари гапга келмай қолди, чунки Мехроб Заҳҳокнинг набираси бўлиб, Заҳҳок гайридин ва бадмазҳаб ҳисобланарди. Энди улар кандай журъат қилиб, қайси тил билан шаҳзодага унинг маъшуқаси гайридин эканлиги, унга уйланиши раво эмаслигини айтадилар?!

Зол аъёнлари жим қолганидан жаҳли чиқди ва сўзни бошқача бошлади:

Ўйловдим, ҳар сўзим таҳлил этарсан,
Дил дардим тагтига обдон етарсан...

Қачонки янги йўл танларкан киши,
Ташна-маломатлар эшитмоқ иши.

Раҳнамолик қилинг сиз менга букун,
Бандкүшолик қилинг сиз менга букун.

Мен сиздан ўзимни м’ннатдор билай,
Ҳеч сulton қилмага яхшилик қилай.

Шунда мўъбадлар унга айдилар:

— Биз, сенинг қулларинг нима қилишни билмай ҳайрон бўлиб қолдик. Лекин фикри ожизи лизча, шундай қизга уйланиш шоҳнинг мақомию мартабасига путьр етказмайди. Мехроб гайридин бўлса ҳам, буюк инсон ва шаҳсувор паҳлавондир. Лекин бир ёмони шуки, у тозийнажод, аждаҳона:абдир. Паҳлавон Сомга нома юбормоқ керак. Сен биздан доғ ө мандроқсан, номада нималар ёзиши ўзинг яхшироқ биласан. Лекин унга шаҳаншоҳ розилигини олиш кераклигини ўқтириш лозим. Манучеҳр Сомнинг раъйини қайтармас. Сен айтган тутунни шундай ечиш мумкин.

Зол бу маслаҳатни маъқул топди, мирзани чақиритириб, Мозандаронга, отаси Сом ҳузурига мактуб ёздириди, чунки бу пайтда Сом Манучеҳр буйруғи билан Мозандаронда девларга қарши уруш билан банд эди.

Номанинг бошида Золи Зар отасига саломлар йўллади, сўнг эса шудай ёэдирди:

— Уруш майдонида Соми Наримондек мард бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Мен унинг бир кули даражасидаман, менинг дилу жойим унинг меҳр-муҳаббати билан тўлиб тошгандир. Менинг онадан қандай туғилганим, кейин қанчалик ранжалар чекканим падари бузрукворга маълум. У ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлган бир чоғда мен Симурғ инида она сути ўрнига қон ютар эдим: мен бор умидимни Симурғта боғлаган эдим, у бирор нарса овлаб келиб, болали қатори менга ҳам ризқ беришини пойлардим. Баданим териси офтобда куйиб, ёмғир ва шамолда қовжираф ётар, юзларимга чанг-тупроқ тўлиб, кўзим тоҳида ҳеч нарсани кўрмай қоларди. Мен ўзим шаҳзода, отам подшоҳ бўлатуриб, яшаш жойим қуш уяси эди. Начора, парвардигор тақдиди азалда шундай ёзган экан, тақдирдан қочиб бўлмайди. Паҳлавон қудрати кескир тифни тиши билан шайдалаб, наъра тортиб шернинг юрагини ёришга қодир бўлса ҳам, бари бир у танги амрига мутеъдир. Менинг бошимга бир иш туғди, уни одамларга айта олмайман, лекин мени қайта топганда барна истакларимни бажо айлашга сўз берган отамга очиқ айтмоғим керак. Мен Мехробнинг қизи домига тушдим. Менинг манзилим дарё соҳили, тун бўйи юлдузлар билан сирлашаман. Лекин қанча аламни бошимдан кечирган бўлмай, қанчалик азоб чекмай, сенинг амрингиз бир иш қилмайман. Донгдор паҳлавон отам менга нимани бувради? Мени дарду алам чангалидан қутқариб олармикан? Расму одағ, дину мазҳаб қоидаларини ўрнига қўйиб, Мехробнинг қизига уйланишимга рухсат берармикин?"

Катни чопар қўлига тутқазиб буюрди:

"От бири ҳориса, бошқасига мин,
Тўхтамай етиб бор мисоли чақин.

Елиб ўтабергин бекат, работдан,
Отамга етгунча тушмагил отдан".

Йопр кечани кеча демай, кундузни кундуз демай от чоптириб, Мояндрон тупроғига етди. Узокдан тоф ёнбағрида кетаётган лашкарии кўрди ва саф бошида от суратгандан паҳлавон Сомни тақдиди. Бу орада Сом ҳам ўзи томон от чоптириб келаётган суворини кўриб, ҳамроҳларига сўзлади: "Бу отлиқнинг тагидаги от Зобл наслидан, бас, шундай экан, у Золнинг чопари бўлиши керик". Бу орада чопар етиб келди, отдан тушиб, Сом ҳузурида ер ўпда ва номани валинъематига топшириди.

СОМНИНГ ЖАВОБИ

Сом номани ўқир экан, чеқраси тундлашиб, хаёлга чўмиб борарди. Ўғлининг қилмиши унга маъқул эмасди. Ўз ўзига

Дедиким: "Ҳар иеки бўларкан пайдо
Хилқатидан бўлур бари ҳувайдо.

Дояси йиртқич қуш бўлгандан кейин —
Орзуси шу бўлур, бунга нетайин?"

Сомнинг қалби ўй-андишадан пора бўлганди:

Ўйларди: "Розилиқ бермасам агар,
Ўйлаб иш тут десам, буни қўй бадар,

Худодан тортиб то оддий бир банда —
Олдида бўлурман онтхўр, шарманда.

Агарда ол десам, орзуйинта ет,
Дилинг хоҳишини майли, бажо эт,

Буни қуш ўстирган, униси девзод...
Не бўлур булардан тарқаган авлод?"

Бундай андишалардан Сомнинг боши қотди, кун кеч бўлди, у уйқуга кетди. Эртаси тонгда у мунахжимларни чақиртириб, фол кўриб, Золнинг толеи қандай бўлиши ва келажакда не аҳвол кечишини аниқлашга амр қилди. Улар бир кеча-кундуз осмонга боқиб, бу сирнинг қалитини қидирдилар, кейин хурсандлик билан Сомнинг олдига келиб, хабар бердилар:— "Сайёраларнинг ўзаро яқинлашуви икки ёв ўзаро қариндош бўлишини қўрсатмоқда. Ўғлинг ва Меҳроб қизи тақдири қутлуг қўринади, улардан қудрати маст филга тенг бир паҳлавон ўғил туғилади. У дунёни ёвузлар ва нияти бузуклар вужудидан поклайди, уруш-жанжаллар илдизини сугуриб ташлайди. Эронга галаба ва бахтиёрлик келтиради, ҳамма мамлакатларда — Рум ва Ҳиндистонда, Эрон ва Туронда подшоҳлар унинг номини ўз тожлари ва узукларига нақш қиласидилар".

Мунахжимларнинг бу башорати Сомнинг ошуфта дилига бирмунча таскин берди. Хурсанд бўлгандан у мунахжимларга олтин ва кумуш бериб сийлади. Золнинг чопарига ҳам дирҳаму динорлар бериб буюрди: "Бориб айт, отанг Меҳробнинг қизига уйланишинта рози, лекин сен бир фурсат сабр қил, у масалани шаҳаншоҳ қулогига етказиб, унинг олий фармонини олмоғи керак".

Ноңар яна шитоб билан йўл босиб, оз фурсатда Кобулга етиб келди. Боли Зар отаси юборган жавобдан мамнун бўлди, аъёнларига шоҳона ҳадяла" тортиқ қилиб, дарвишларга садақалар улашди.

РЎДОБА СИРИНИНГ ФОШ БЎЛГАНИ

Кобуллик бир сўзамол жувон Зол ва Рўдобра орасида воситачилик қилиб, уларнинг мактубларини бир-бирига етказиб турарди.

Зол бир куни жувонни ўз ҳузурига чорлади. У Золнинг кулиб турган чехрасини кўриб ҳайрон бўлди, чунки бундан олдин уни бунчалик хурсанд ҳолда кўрмаган эди. Зол жувонга отасидан келган хутибтарни айтди ва тезда Рўдобра олдига бориб, уни хурсанд қилишини буюрди. Жувон қанот чиқаргандек Рўдобра қасри томон учиб кетди.

Жувон келтирган мужда, яъни Сом ўглининг Кобулшоҳ қизига уйланишига розилик бергани ҳақидаги хабар, Рўдобанинг кўнглини ниҳоятла шод этди. У мужда келтирган жувонни тиллакори курсига ўтказиб, бошидан кумуш танга дирҳам сочди ва бир сидра кийим, зартиқиа гулдор рўмол, бир жуфт қимматбаҳо узук ҳадя этиб, хат ва дуоши саломлар билан яна Золнинг ҳузурига юборди.

Жувон Рўдобра хонасидан чиқиб, энди дарвоза томонга йўналган ҳам зики, айвонда туриб уни кузатаётган қизнинг онаси — Синдухти кўриб қолди.

Синдухт жувонни тўхтатди ва маломатомуз оҳангда сўради:
— Кимсан?

Жувон шошгандан тили айланмай қолди.

— Сўраган сўроқларимга тўғри жавоб бер,— буюрди Синдухт, — алдашни ўйлам. Ҳар доим бу ердан ўтганинда менга қиё боққинг ҳам камайди, Рўдобанинг хонасига шошасан. Сен кимсан? Нима иш билан шугулланасан? Айт, ўқдай тўғримисан ёки камондай эгрими? Жувоннинг

Қўрқувдан юзлари бўли оппоқ ҳор,
Ер ўпидер эди: "Ё наравардигор!"

Ёлвориб арз этар: "Мен бир хаста дил,
Базўр нон топгувчи бечора йўқсил.

Юраман уйма-уй, ризқ териб андак,
Бирор либос олур, бошқаси — безак.

Хужрасига чорлаб энди Рўдобра,
Келтир деган эди гавҳар, дуҳоба.

Олиб келган эдим бир тож зарнигор,
Яна зирак — олтиндан, гавҳардор, шаҳкор"

— Тожу зиракни менга кўрсатгин,— талаб қилди Синдухт.

— Уларни Рӯдобага сотдим,— гапини тўғрилади жувон.— У яна нарса келтиришни буюрди.

— Хўш, қанчага сотдинг? Қани, олган пулингни менга кўрсатчи?— яна ҳам қаттиқроқ туриб талаб қилди Шаҳбону.

— Рӯдоба пулинини эртага берадиган бўлди,— дея жавоб берди жувон.

Синдухт унинг сўзларига ишонмади. У тундлик билан жувоннинг қўйинлари, енглари ичини қидира бошлиди, бўғасини очиб, Рӯдобадан олган кийим ва тақинчоқларини кўриб қолди. У қаттиқ газабланиб, жувонни судради, ерга йиқитиб, муштумлари билан урди, тепди, кейин эса унинг қўл-оёғини боғлаб қўйди. Сўнгра қасрга кириб, эшигини маҳкам ёпди, аламли гумон ва хаёлларга ботиб ўтируди. Унинг кўнглидан: "Бу аёл қўшмачи бўлса-ю, қизимни номуссизлик кўчасига бошлаган бўлса-чи?"— деган қўрқинчли фикр яшиндай ўтди.

Қизига одам юборди.

Рӯдобра келиб, онасини кўз ёши қилиб ўтирган ҳолда кўрди. Синдухт аламу андуҳ билан қизидан сўради:

— Жоним болам, нега ярмида чоҳ қазилган йўлни танладинг? Мендан яширган қандай сиринг бор? У рўмол ва узукни қайси эркакка совға қилиб бериб юборган эдинг? Онангдан ҳеч нарсани яширма.

Рӯдобра уятдан турган жойида тахтадек қотди, бошини қуий солиб, оёги остига қараганича жим қолди. Ниҳоят, кўзларида шашқатор ёши билан леци:

— Мехрибон онажон! Ишқ менинг жонимни бурғиламоқда. Кошки мени туғмасанг эди. Золи Зар Кобулга келди-ю, мен ишқ балосига гирифтор бўлдим. Дунё кўзимга қоронғи, ошкору пилиҳон йиғламоқдан ўзга ишим йўқ. Усиз ҳаёт менга керак эмас. Мен учун бутун жаҳон унинг бир тола сочига арзимайди. Сендан яширмайман, у менинг қасримга келди ва мен билан ўтируди. Иккевимиз қўл ушлашиб, аҳду паймон қилдик, лекин бизнинг орамизда дийдор кўришишдан бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ. Зол отаси ҳузурига чопар юборган эди. Чопар Сомнинг розилиги ҳақида хабар келтирибди. Бу жувон менга Золдан шу мұждани келтирган эди, мен унга кийим-кечак ва суюнчилик нарса берган эдим.

Синдухтнинг ҳуши бошидан учди, у қўрқиб кетди. Қизидан эшитган гаплари унинг учун бутунлай кутилмаган ҳол эди. Лекин шаҳбону барибир ич-ичида Зол унинг қизига кўнгил қўйганидан

хурсанд эди. Ахир Рүдобага Зобул шаҳзодаси, донгдор паҳлавон Сомнинг ўғлидан ҳам муносаброқ куёв топилармиди!

Синдухт шу ондаёқ шаҳаншоҳ Манучехри эслади: у Заҳҳок авлошининг қаттол душмани, Зол билан Рүдобанинг бир ёстиққа бош қўйишига асло рози бўлмас, аксинча, ғазаб отига миниши турган гап.

Шаҳбону Рүдобага шундай деди:

— Бу осон иш эмас. Албатта, Зол буюк ва машҳур одам. Агар унинг бирдан-бир айби соchlарининг оқлиги бўладиган бўлса, қолган юста ҳунару фазилати унинг бу айбини ёпди. Лекин болажоним, шаҳаншоҳ ғазабидан қўрқулик, у Кобулни ер билан яксон қиласди; бизнинг авлодимиздан бирор кишининг саркарда бўлиши, бошига тож кийишини у истамайди, бунга йўл қўймайди. Сен хоҳласанг-хоҳламасанг Золдан воз кечиб, уни унутишинигта тўғри келади.

Она бу сўзларни айтар эди-ю, гаплари Рүдобага заррача таъсир этиаётганини сезарди.

Синдухт воситачи жувоннинг қўл оёғини ечди, танимаганини айтиб узр сўради, унга меҳрибончиликлар қилди, лекин "бу сирни шу еронинг ўзига кўмиб кет, бошқа жойда оғиз очма", деб тайинади.

Синдухт паришон хотир ва ғамгин эди.

Буун ҳам Меҳроб зобулликлар қароргоҳидан тўнда қайтди. У Золдан жуда кўп меҳрибончиликлар кўрган, шоду ҳуррам эди. Хотин эса, аксинча, ўринда ётган бўлса ҳам ҳамон уйғоқ, юзида ғамгинлик аломати кўриниб турарди:

— Нима гап? Юзинг узилган гулнинг япроги каби нима учун сўлгин — сўради Меҳроб.

Синдухт ҳазин оҳ чекиб, эрига жавоб берди:

— Низ ўтқизсан, ранжлар чекиб парваришлаган дараҳт заҳарли мева тиди: у қуёшга бўй чўзиб, соя ташлайдиган даражага етганда, парваришлаган эгасининг бошини ерга ҳам қилди. Оқибат, кўргултимиз шу бўлди!

— Во ажабо! — ҳайрон бўлди Меҳроб. — Нима бўлди, нега бўндай дейсан?

— Фалакнинг гардиши бизга қарши. Сомнинг ўғли Рүдобага дом қўйиб, қалбини ўғирлабди.

— Нима дединг? — Меҳроб ғазабдан қалт-қалт титраб, ўрнидан турди, кескир ханжарига қўл узатаётib ҳайқирди: — Рүдобани ўлдираман!

Синдухт чаққонлик билан ўрнидан туриб, унинг белидан қўчоқлаб олди ва ялинишга тутинди.

— Эш фаросатли бегим, менинг сўзим ҳали тугамади, олдин эшигиб кўр, кейин истаган ишингни қиласан.

Мәхроб ўзини боса олмас, хотинини итариб ўзидан узоклаштириди
ва ғазаб билан сүзлади:

Нечун сўндирамадим унинг қуёшин,
Қиз тугилган замон кесмадим бошин.

Үлдирсам бўларди — ажодод одати,
Мана оқибати — шул каромати.

— Мен уни ўз вақтида ўлдирмадим. Энди эса у менинг бошимга
шунча фалокат келтирди! Бугун ўзимнинг жоним ҳам ҳаттарда, сен
бўлсанг уни ўлдиришга қўймай қўлимни ушлаб турибсан. Сом
Кобулга ўт қўяди, мулкни харобага айлантиради, бу мамлакатда
бир қарич ҳам экинга яроқли жой қолдирмайди.

— Эй паҳлавон,— деди Синдухт,— сен Сомдан қўрқма, у Зол
ва Рўдоба можаросидан хабардор, уларнинг тўйига ҳам розилик
билдирибди.

— Ёлғон айтма! Шамол тупроқ измига киради, деган гапга
ишониб бўладими? Агар шунга ишониб бўлса, мен ҳам сенинг
сўзларингга ишонаман. Лекин агар худонинг иродаси билан бу
иложсиз иш амалга ошиб қолса-ю, менинг кўнглим таскин топса,
биз учун Золдан яхшироқ куёв топилмас. Ким ҳам Сом билан
қариндош бўлишни истамайди? Аҳвоздан Кандаҳоргача пиёда
қидирсанг ҳам бундай куёвни топа олмайсан.

— Эй олийхиммат хожам, мен сенга айтган сўзларда заррача
ҳам ёлғони йўқ. Мени ҳам бошда қўрқув, ваҳима чулғаб олди,
қанчалик андуҳ ва алам билан ётганимни ўзинг кўрдинг. Лекин
дурустроқ ўйлаб қаралса, бу ишнинг бўлиши унчалик иложсиз ҳам
эмас. Сом бу ишга розилик берган бўлса ҳам не ажаб? Ахир,
Фаридун ҳам Яман подшоҳи билан қариндош тутинганидан
шодланган эди-ку! Шамол тупроқнинг измига тушмайди, олов сувга
жуфт бўла олмайди, лекин буларнинг қўшилувидан ер тобланиши,
юкли бўлиши маълум-ку!

Мәхроб Синдухт сўзларини паришонхаёллик билан эшилди,
кейин ташвиш билан буюрди:

— Үрнингдан тур. Рўdobани ҳузуримга келтир. Синдухт эрининг
важоҳатидан қўрқди, қизимни парча-парча қилиб ташламасмикан,
деган хаёл билан унинг олдига шундай талаб қўйди:

— Келтираман. Лекин сен олдин қизимни sog-саломат менга
қайта топширишга сўз бер.

Мәхроб сўз берди.

— Қасам ич,— оёғини тираб туриб олди Синдухт.

Мәхроб ноилож Рўdobанинг бир тола сочига ҳам зарар
етказмайман, деб қасам ичди. Шундагина Синдухт ичини кемириб

турган ташвишларини яшириш учун лабига кулгу олиб, қизининг олдига кирди.

— Қизгинам, отанг қаҳрини сендан қайтардим. Тезгина зеб-зийнатларингни олиб қўйгин-да, унинг ҳузурига бор, оёғига инициалиб йигла ва узр сўрагин.

— Нима учун тақинчоқларимни олиб қўяй?— эътиroz қилди қиз.— Мен Золнинг қайлигиман, у менинг жонимдан азиз қуфтимдир; нега энди бу нарсаларни отамдан яширишим керак?

Рўдобра лаълу ёқутдан қилинган зеб-зийнатларини тақиб, порлоқ ўёшдек балқиб, отаси ҳузурига кирди. Мехробнинг ўнгида каннатдан чиққан паридек нозанин, у таърифини эшигтан, лекин данузгача кўрмаган бир сарвиноз пайдо бўлди. Қизининг бунчалик ўзаллигидан унинг қалби тоғдек кўтарилиган бўлса ҳам, пешонасини тиришитириб, унга хитоб қилди:

— Эй, эси йўқ. Қандай қилиб пари Аҳриманга жуфт бўлиши шумкин? Агар Каҳтон даштида илон овлайдиган моргир муғ бўламан деб дайво қилса, унинг бошини кесадилар.

Мехроб Золни Аҳриман ва моргирга ўхшатиб киноя билан налирмоқда эди. Буни эшигтан Рўдабинг дили қонга тўлди, ранги заъфарондек саргайди, тим қора киприклари бирлашиб, кўзлари юмилди ва сўзга оғиз очмасдан сукут сақлади.

Мехроб яна бирмунча вақт қаҳру ғазаб билан унга зуғум қилди, маломатомуз сўзлар айтди, танбех берди. Қизи бир оғиз сўз айтмаётганини кўриб, ниҳоят, унинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Рўдобра эса синиқ кўнгил билан унинг ҳузуридан чиқиб кетди.

Отанинг дили хун, ўзи кўп тажанг,
Дарғазаб бўларди мисоли паланг.

Хонасига қайтди қиз дили вайрон,
Кўз ёши шашқатор, юзи заъфарон.

Тангри ҳузуридан кутадир паноҳ,
Ижобат бўлурми тиласи, эвоҳ!

МАНУЧЕҲРНИНГ ҒАЗАБИ

Сомнинг ўғли Мехробнинг қизига ошиқ-мошиқ бўлиб юргани овраси Манучеҳр дарборигача тарқалиб, шаҳаншоҳ қулогига ҳам ети.

Шаҳаншоҳ шу масалани мўъбадлар ўртасига ташлади.

— Бу иш бизнинг ҳаётимизга баҳтсизлик келтиргуси,— деди у.— Мен тадбир ва уруш билан Эронни йўлбарслар чангалидан қутқариб қолдим, Фаридун жаҳонга Заҳҳок оғатидан најот берди. Мехроб

эса Заҳқок уруғидан тарқаган. Зол ва заҳқокзода Рўдоба пуштидан фарзанд дунёга келиб, бундай зоти паст инсон кейинчалик буюклика даъвогар бўлишига йўл қўймаслик керак. Уларнинг фарзанди бир томондан бизнинг гавҳаримизга алоқасиз бўлади. Кўкнор заҳар тоифасига яқин. Агар уларнинг фарзанди онасига тортса, тож-тахт талашиб Эронни ранжу қийноққа гирифтор қилгуси. Модомики, шундай экан, қандай чора ўйлашимиз керак? Сиз бу масалада қандай фикр берасиз?

Мўъбадлар подшоҳга қуллуқ қилдилар:

— Эй шаҳаншоҳ, сен биздан кўра донороқсан, бу иш сенга аёндир.

Манучеҳр ўғли Нўзарни ҳузурига чорлаб буюрди:

— Мозандаронга Сомнинг олдига боргин. Ундан сўра, урушни тамом қилибдими, йўқми? Унга айт, Забулистонга қайтиша пойтахт яқинидан ўтсин, ўзи боргоҳга келсин.

Нўзар ота ҳузуридан чиқибоқ йўлга тушди.

Мозандаронда Сом барча паҳлавонлари билан пешвоз чиқиб, Нўзарни кутиб олди. Шаҳзода унга Манучеҳрнинг фармонини етказди. Сом унга айтди: "Фармон бош устига, шаҳаншоҳ дийдорини кўриб, қалбимга таскин бергум".

Нўзар ва унинг ҳамроҳлари шу оқшом Сом меҳмони бўлдилар. Сом аъёнлари билан Манучеҳр ва Нўзар саломатлиги учун шароб ичдилар.

Эрта тонгда Сом лашкари билан Эрон томонга йўлга тушди.

Эронда Мозандарон фотиҳини шаҳаншоҳ сипоҳи тантанаю шодлик, карнаю сурнай, дўмбираю ногора билан кутиб олдилар. Манучеҳр боргоҳда Сомни қабул қилиб, тахтга ўз ёнига ўтқазди, ундан ҳол сўраб, жанг воқеаларини сўради. Сом Мозандарон уруши тафсилотларини, ўз ғалабаси, девлар саркардаси Каркўйни яkkама-якка жангда енгтани ҳақида сўзлаб берди:

Қарасам маст филдек чиқар у чангдан,
Қўлда ҳинид қиличи, тап тортмас жангдан.

Аё шоҳ, мен шундай қилдимки гумон,
Тоғ ҳам ундан қочар сақлаш учун жон.

Шитоб билан келди, мен пусиб турдим,
Қўлимни сўнг бирдан белига урдим.

Камарбандин тутиб, кўтариб дадиля,
Отдан узиб олдим, шер каби энчил.

Даст кўтариб, ерга иргитдим чуони,
Мажақланиб кетди тана, устихон.

Шоҳни кўриб ерда бундай кору зор.
Кўшини этмади жангни ихтиёр.

Пасту баланд нима, йўл нима билмай,
Кўшин тогу чўлга бўлди тумтарақай.

Манучеҳр Сомга қараб, шундай деди:

— Менинг паҳлавонларимдан ҳам ёнингга ол, Кобулиstonга бор, заҳқокнажод Меҳробни ўлдир, қасри ва пойахти Кобулга ўт қўй. Еробнинг барча авлодлари, заҳқокнажод қариндош-уругларининг бошини қиличдан ўтказгин.

Сомнинг дилини изтироб чулғади: Шу он унинг хаёлидан — ўғли унинг муҳаббати ва номаси, ўзининг унга Рўдоба билан роғишишига руҳсат бергани ўтди. Шаҳаншоҳнинг бу фармонидан Зол яраланган шер каби тўлғониши, газабланишини кўз олдига ирди. Манучеҳрнинг фармони шафқатсиз ва қонхўрларча эди. Сомнинг дили шундай амр этарди: "Эътиroz қил, баҳона топ, рад эт!" Лекин унинг ақли айтарди: "Бундан не фойда? Ҳозир шаҳаншоҳ газаб отига минган, агар баҳона қилсанг, сени йўқ қилди-ю, Кобулиstonга бошқа лашкарбошиги юбориб, кулини кўшига совуради". Паҳлавон Сом ноилож дилидаги ғалаённи яширди, шаҳаншоҳ таҳтини ўпди, унинг узуғи кўзига юзларини суртди:

"Итоат қиласман".

Арчалари зудлик билан Кобулиstonга қараб йўл олдилар.

СОМНИНГ ЗОЛ БИЛАН МУЛОҚОТИ

Шаҳаншоҳ фармони ҳақидаги хабар Меҳроб ва Золга ҳам етиб етди. Меҳроб, Рўдоба, Синдуҳт бу хабардан даҳшатга тушиб, кониаридан умидларини узиб қўйдилар.

Золи Зар газабланди:

— Агар оғзидан олов сочиб турган аждаҳо Кобулни ёндиришга ҳам, олдин мен билан олишсин! — дер эди у. Зол тезда ташниб, Зобул томон йўлга чиқди. Унинг бағри қон, дилини иштапалар чулғаган, бошида минг ташвиш ғужғон ўйнаган эди, ичаб от сурарди.

Бу вақтда Зобул пойтахтига етиб келган Сом ўғли келаётганидан абар топиб, суворий сипоҳни бошлаб, уруш филларини безатиб, гардуннинг қизил, сариқ, бинафша байроғини кўтариб, ноғораю арзийлар билан унинг йўлига пешвоз чиқди.

Золи Зар бунчалик тантанаю дабдабага ҳам ўнг қарамади, отаси совуқ кўришди. Улар ёнма-ён то Зобулга етганларича ҳам болининг чеҳраси очилмади. Ниҳоят, боргоҳга етганда у отасига итди:

— Сен адолатли шоҳсан. Сенинг одиллигинг туфайли мамлакат ободдир, ёлғиз мен — сенинг ўғлинг адолатингдан бебаҳраман. Туғилганимдаёқ мени тоғларга элтиб ташладинг, онаимни мен учун мотам тутишга мажбур этдинг. Энди балогатта ет иб, кобуллик Мехроб сингари бир дўст топган вақтимда, ўз фармонинг билан Кобул яқинида турган чоғимда, менга Мозандарондан бундай совға келтирибсан, бориб менинг қасримни ер билан яксон қилмоқчисан. Менга нисбатан қилган адолатинг шуми? Менга озор бермасликка, хошишларимни бажаришга сўз берган эдинг — аҳду пайдомонинг ҳани? Мана, мен ҳузурингда турибман, мени арра билан қирқиб икки бўлиб ташлашинг мумкин, лекин Кобулга қўйл теккизма! Хоҳлаган ишингни қил, лекин Кобулга бирор осиб еткизма, чунки ўша осиб менга етади.

Сом ўғлининг бу аччиқ сўзларини эшитар эди-ю, борган сари боши қуйироқ эгилиб бораради. "Зол юз бор ҳақ,— ўйларди у.— Лекин Манучеҳр фармонидан қандай қилиб бош тортишим керак? Агар фармонни бажармасам шаҳаншоҳ газабланиб, ўрнимга бошқа сипоҳсолор юборади. У сипоҳсолор Мехроб ва унинг қариндошларига қўшиб менинг ҳам кулимни кўкка совуради, балки Зобулга ҳам ўт қўяр. Манучеҳр қайсар ва раҳмсиз шоҳ, унинг газаби қўрқинчлидир".

"Е фарзанд, ё шаҳаншоҳ!"

Сом умрида бундай танг аҳволга тушмаган эди. Щу дамда ўлим унинг кўзларига афзал кўринди. "Кошки Мозандарон жангига ўлиб кетсам эди!"— надомат билан ўйлади у дилида.

Узоқ жимликдан сўнг у Золга деди:

— Сен ҳақсан. Сенга нисбатан қилган ишларим адолатдан эмасди. Лекин сен тезлик қилма. Менга фурсат бер, бу ишнинг тадбирини излаб кўрай. Зора бирор чора топилиб қолса.

Хафа бўлма, асти бермам озоринг,
Чорасин топармиз, синмас бозоринг.

Бу кун ёздираман муфассал бир хат,
Ўзинг элтгайсан подшоҳга фақат.

Кўргач бор савлатинг, хурсанд дийдоринг,
Шаҳаншоҳ истамас сенинг озоринг.

МЕҲРОБНИНГ СИНДУХТДАН АЧЧИҒЛАНГАНИ

Юрагини ваҳима чулғаб олган Мехроб қизига бўлган барча газабини Синдухтга тўкиб солди. У ханжарини яланғочаб, газаб билан унга сўзлади:

— Шаҳаншоқ менга ғазаб қилиб турган шу онда сен ва нопок
юлдиришдан ўзга чорам қолмади. Балки шундай қилсам
Кубуда Сом билан майдонга тушиб уруш қиласидиган бирор-бир
шарқорек топилармикин?

Анали ва тадбиркор Синдухт айтди:

— Олдин менинг сўзларимга қулоқ сол, ундан сўнг ҳар не
қисса г қил.

Мөхроб курсига ўтирди.

— ййт!

Синдухт унинг қаршисидаги курсига ўтирди.

Деди: "Аввало сен сўзим тинглагил,
Сўнг, майли, юрагинг истаганин қил.

Менинг қатлим бўлса мақсадинг агар,
Бил, тун ҳомиладор, яхшиси саҳар.

Нечоғлиқ бўлмасин қоронғи, узун
Охири ёргулиқ тугар-ку бу тун.

Кун келар, мусаффо мисоли булоқ,
Бадахшон лаълидек тиник, ярқироқ.

— Сен қадимий масаллар билан мени чалгитма.— Жаҳл билан
хотининг сўзини кесди Мөхроб.— Агар бирор нарсани билсанг,
гапро, қонингни қутқазиб қолиш пайда бўл, бўлмаса қонли либос
кийшип ҳозирлан.

— Мени қимматбаҳо ҳадялар билан Сом ҳузурига юбор,— деди
Синдухт.— Сендан ганж бўлсин, мендан ранж. Мен унга ҳадяларни
тасуббутлигиб, айтадиганимни айтаман. Агар унинг раъини қайтара
олсан, мен мен ва қизинг қонини тўкишдек заруратдан халос
бўлашсан.

Мөхроб бир мунча фурсат ўйга чўмиб, ниҳоят, рози бўлди.

— Мана сенга ҳазиналар калити,— деди Мөхроб Синдухтга
ҳазиналар калитини узаташтиб.— Унинг ҳузурига тахту тож, олтину
кумуш, урру гавҳар, араб аргумоқлари ва чиройли қанизаклардан
олиб боргин. Зора шу билан Кобул ёнғиндан омон қолиб, бизнинг
забун тоғимиз қайта очилиб кетса.

Синдухт сафар тарааддудини кўра бошлади, лекин унинг қалби
"мен телунча Мөхроб қизим Рӯдобага озор бериб қўймасмикин?!"—
деган ҳаротирда така-пукка эди.

— Мөхроб,— деди у ниҳоят,— мен ўз ғамимни эмас, қизим
ғамини етман. Мен бу ишнинг чорасини излаб топгунча қизимга
озор бергайман деб мен билан қатъий аҳду паймон қилгин.

Меҳроб хотини билан шундай аҳд қилди.

Синдухт олтин динорлар солинган пул халталари, мушк, анбар, кофур, араб аргумоқлари, гуломлар ва канизаклар, қизил юнгли урғочи туялар, гавҳар ва фируза қадалган тиллакори тоҷу таҳт олиб, йўлга тушди.

Зобулга етганда ҳам у ўзининг ким эканлигини айтмади, фақат эшикбонлардан Кобулшоҳдан элчи келганлиги ҳакида жаҳонпаҳлавон Сомга хабар беришни сӯради, холос.

Сом уни боргоҳда қабул қилди. Шунда Синдухт жаҳонпаҳлавон ҳузурида ер ўпид, Кобулшоҳнинг саломи ва номасини шахсан унга ва унинг аъёнларига тақдим этди, боргоҳ эшигидан тортиб икки мил масофага чўзилган совға карвонини улар назаридан ўтказди.

Бунча молу бойликни кўрган Сом ҳайратга тушди. Унинг боши қотди: "Бунча кўп совғаларни бир аёл қўли билан бериб юборишини қандай тушуниш керак?.. Буни қабул қилсаммикин ёки йўқми? Агар қабул қилсам, Кобулшоҳларни ўлдириб, шаҳарларига ўт қўйишдан воз кечган бўламан. Қабул қилмасам, ягона фарзандимни ўзимга душман қиласман. Нима қилсам экан?"

Охири у Меҳроб ҳадасини ўзи учун эмас, балки Рўдоба номидан Зол учун қабул қилишга қарор қилди.

— Буларни Золнинг хазинасига топширинг,— буюрди у.— Хазинадорга айтинг, барча нарсаларни Рўдоба номига ёзисб сақласин.

Синдухт тұхфаларнинг қабул қилинишини ёмонликнинг даф бўлиши ва яхшиликнинг бошланиши аломати деб тушунди. Энди унинг дили шод-хуррам, тили гўё бўлиб кетди. Сом боргоҳдан бегоналарни чиқариб, Синдухт билан сұҳбат бошлаганда шаҳону унга шундай деди:

— Эй жаҳонпаҳлавон, сенинг сўзларинг кексалар қалбини ёшартиради, зодагонлар ҳам сендан донишмандлик илмини ўрганадилар, ёмонликлар эшиги сенинг меҳринг билан ёпилади, гурзинг яхшиликлар учун йўл очади. Агар гуноҳкор бўлса, Меҳроб гуноҳкордир, лекин сен бутун кобулликлар қонини тўкиб, шаҳарларига ўт, қўйишга бел боғлабсан, уларда нима гуноҳ? Бегуноҳларни ўлдиришга Офтоб ва Ноҳидни, ақлу ҳушни яратган олий зотдан қўрқмайсанми?

Сом ундан сӯради:

— Менга айт, сўроқларимга тўғри жавоб бер. Сен Меҳробнинг кими бўласан? Зол унинг қизини қаерда, қандай қилиб кўриб қолди? Унинг қизи ҳусну жамолда, ақлу билимда Золга лойиқми?

— Яхши,— деди Синдухт,— лекин сен олдин менинг ва менга азиз одамларнинг жонига қасд қилмайман, деб сўз бер. Менинг обод қасрим, бой хазинам, обрўйли қариндошларим бор. Менинг кўнглим ўзим ва қариндошларим ҳаётидан хотиржам бўлгач, барча

сүйкеларингта жавоб бераман, Кобулнинг яширин хазинаси калити
қўнигта тушишига ёрдам бераман.

Сом сўз берди. Шунда Синдухт ўрнидан туриб, унга таъзим бажо
айлади ва деди:

— Эй олийнажод шоҳ, шуни билгинки, мен Заҳҳокнинг
қариндоши, Мәҳробнинг хотини, Рӯдабанинг онасиман.

Сом ҳайрат билан кўзларини катта-катта очиб, унга қаарди.
Кобул шаҳбонусининг ўзи унинг олдига қадам ранжида қилишига
ҳеч ҳам ишонолмасди. У бошда "бу аёл Мәҳробнинг саройида
хизмат қилувчи Кобулнинг бирор зодагонлари оиласидан чиқсан
жувон бўлса керак", деб ўйлаган эди.

Синдухт сўзларини давом эттирид.

— Сенинг ҳузурингта ният ва мақсадингни билиш учун келдим.
Сенинг Кобулдаги душманинг ким? Агар биз гуноҳкор ёки зоти
паст бўлсак, ҳукмдорликка нолойиқ бўлсак, у ҳолда мана мен,
рўпарапнгда турибман, қўл оёғимни боғламоқчи бўлсанг боғла,
ўлдирмоқчи бўлсанг ўлдир, лекин гуноҳсиз кобулликлар жонига
қасди қилма, акс ҳолда тангрим олдидага гуноҳи азимга ботиб,
таъбингни хира қилган бўласан.

Не қилди кобуллик бегуноҳ бошлар,
Нечун оқизмоқчи бўлдинг қон ёшлар.

Сенинг номинг билан яшар бутун эл,
Хоки пойинг қадрин қиласар кун-тун эл.

Этигинг ўпмоққа ҳозирдир шаҳар,
Номингни улуғлар, тутиб мўтаъбар.

Эс-ҳушу куч-қувват бергандан қўрққил,
Осмонга юлдузлар тергандан қўрққиля.

Унга ҳам бундай иш ҳеч маъқул бўлмас,
Мазлум қонин тўкиш ҳеч мақбул бўлмас.

Сом бу бека — Кобул шаҳбонуси, фақатгина сарвқад, гуландом,
товусжиром аёлгина бўлмай, балки довюрак ва донишманд ҳам
эканлигини тушинди. У мот бўлган эди: энди ҳеч қачон Кобулга
лашкабор тортиб, кобулшоҳларга қарши тиф кўтариб бора олмаслигини
ҳис эди. Унинг дилини кемириб ётган иккиланиш эди поёнига
етган эди. У Синдухтга айтди:

— Мен ўз сўзимдан қайтганим йўқ. Жондан кечсам ҳам сўзимда
турман. Сен ва қариндошларинг Кобулда шод ва хуррам
яшайвонинглар. Агар Зол қизингни ўзига қайлиқ қилишни ихтиёр
қилган экан, мен бунга розиман. Зоту насабингиз бошқа бўлса

ҳам, сизлар ҳукмдорликка муносибсизлар. Парвардигор сизларга подшоҳлик мансабини ато этган экан, худойим амрига қарши бормайман. Мен сенинг додингни эшилдим, энди ўзим бу ишни сенинг кўнглингдагидек бир ёқлиқ қилишга киришаман.

Синдухтнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди, қалби шодлик ва сурурга тўлди, Сомга қаратада шундай мурожаат этди:

— Қани энди жаҳонпаҳлавон аргумоқ тизгинини бизнинг қасримиз томон буриб, меҳмонимиз бўлса, бу канизининг боши осмонга етар эди. Агар мен сендаи улуғвор ҳукмдорни Кобулга бошлаб борсам, кобулликлар сенга жонларини нисор қилган бўлар эдилар.

У Сомнинг лабида табассумни кўриб, дилидан ўтказди: "Пок парвардиғор шарафига ҳадсиз миннатдорчилик ва ҳамдлар билдираманки, бу донгдор паҳлавон қалбидан хусумат илдизи юлиб ташланди!"

Сом Синдухтга, Меҳроб ва Рўдобага муносиб совғалар — сарно ва қимматбаҳо зар-zewарлар бериб, шаҳбонуни Кобулга кузатиб юборди.

Шундан сўнг у мирзани ҳузурига чақириб, Манучеҳрга нома ёздирди. Сом айтиб туар, мирза эса ёзиб бораради.

Нома одат бўйича худонинг ҳамду саноси, кейин эса шаҳаншоҳнинг мақтови билан бошланар эди. Кейин унга шундай сўзлар битилди:

"Эй шаҳриёр! Юз йигирма йилдан буён мен бир ғуломдек сенга хизмат қилмоқдаман. Мана, бошимга қарилик аломати қўниб, соchlарим қордек оппоқ оқарди. Шунча замондан бери менга тенг келадиган қайсар, енгилмас паҳлавон топилмас эди. Мен зилдай гурзимни қўлга олишим биланоқ Мозандарон алларининг оёқлари қўрқувдан қалтирай бошларди. Мен бўлмаганимда Кашафрўддан чиққан аждаҳони ким ўлдирап эди? Аждаҳо шунчалик баҳайбат эдики, унинг устига бир неча шаҳар қурса бўларди, унинг эни у тогдан бу тоғта етарди. Бутун жаҳон унинг ваҳимасидан юрак олдириб қўйган эди, жонивору паррандалар жон ғамига тушиб қолган эдилар. Унинг нафаси ҳароратидан осмондаги бургутнинг қаноти куяр, баҳайбат наҳангни денгиздан, учқур қарчигайни осмондан бир чанг согланда тутиб сяр эди. У беҳисоб эру аёлларни, ҳайвонларни комига тортиди. Саман тулпорга миниб, гурзи ва камону қалқон билан қуролланиб, у билан жангга чиққан ўша марди майдон мен эдим. У мени кўргач, қаҳр билан ўкирди, тим қора дарахт каби шоҳдор тилини саҳрова ёйиб ётарди, оғзидан қоп-қора тутун бурқсиб чиқар, ўкиришидан ер-кўк ларзага келарди. Олмос учли ўқимни камонга жойлаб, оғзига қараб отдим. Тилининг бир томони танглайига михланиб қолди. Иккинчи ўқ билан тилининг иккинчи томонини ҳам танглайига кўклаб қўйдим. Учинчи

үқ билан ҳалқумини тешганимда унинг бўғзидан қоп-қора қон фаввора бўлиб отила бошлади. Ўзимнинг филжусса аргумогимни қичаб, устига чопдим ва ҳўкизбош гурзи билан калласига чунонам туцирдимки, бошига тоғ ағдарилгандек бўлди, миясининг қатифи чиқди, заҳари сойдаги сув каби оқди, Кашаф дарёсига етиб, унинг сувларига қўшилди.

Гофлар устига ёпирилиб, менинг аждаҳо билан қилган жангимни кузатиб турган сон-саноқсиз одамлар бирдан хурсандчилигидан тувшилаб, менга оғаринилар айта бошладилар. Жанг тугагандан сўнг ҳарисам, танамдаги совутим парча-парча бўлиб тўкилган, отимнинг иркли ёлпечи илма-тешик бўлиб кетибди. Анча вақтгача аждаҳо аҳрининг азобини чекдим.

Бошқа қаҳрамонликларим ҳақида айтиб ўтирасам ҳам бўлар, одмоҳнинг ўзи улардан хабардор. Аргумогим қайси юртга оёқ орсан бўлса, шу мамлакатдаги саркаш паҳлавонларнинг юраги паҳимадан ёрилди, қайси жойга тиғ тортиб борган бўлсан, душманлар боши сапчадек тупроққа беланди. Узоқ йиллар давомида Гимнинг эгари менга ёстиқ, жанг майдони ётоқ жойим бўлди. Ўруш ва савашларда юриб, уй-жой, қариндош-уруг ҳақида ўзламадим, доимо мамлакат осойишталигини, одамлар тинчлигини, шаҳаншоҳнинг ғолиблигию шодлигини ўйладим. Шу алпозда уримни ўтказиб, қарилик айёмига етдим. Энди наебатни ўғлим Зили Зарга бермоқчиман. Жаҳонпаҳлавонлик шаънини унга топшираман, энди у менинг ишларимни давом этдирсин, маҳорати, донюраклиги, жанговарлиги билан подшоҳимизнинг кўнглини оиласин. У паҳлавонлик ҳунарига моҳир, жангда абжир, қалби шаҳаншоҳ меҳридан мунаввардир.

Золинг дилида бир орзуси бор, унинг замирида эзгулик яширинган. Шаҳаншоҳ ҳузурига бориб, дийдор кўриш шарафига муссаф бўлса, у орзусини ўзи баён қиласажак. Саодатли ҳукмдорим меъти Зол орамиздаги аҳд-паймондан хабардор. Мен унинг ҳар қандай истагини бажо қилишга сўз берганиман. Менинг қошимга ошғтаҳол келиб, "Кобулга лашкар тортгандан мени ўлдирганинг яхшироқ", деб туриб олди. У Меҳробнинг қизи Рӯдобага кўнгил берди, ўй-хаёли ўшандада. Шаҳаншоҳим, дарди дилини ўз оғзи билан айтни, деб уни ҳузурингта жўнатмоқдаман. Ахир, бу қуш тарбиясини кўрсан, одамлардан йироқда ўстган бола Кобулда бир моҳрўйни кўриб, дабруртдан ошиқ бўлиб қолтанига ажабланимаса ҳам бўлар. Шаҳаншоҳ ҳам шуни инобатта олиб, унинг ишидан ранжимас. Кўнглим орзиқиб уни кузатмоқдаман. У билан зодагонларга муносиб мунисабатда бўлишларидан умидворман. Шаҳриёр, албатта, ўз бандларининг ваъдабузар бўлишларини ёки бошқа аҳду паймон қилишларига озор етказишларини истамас. Илгингта топширганим ягон фарзандимдир, жаҳонда ундан бўлак ғамгусорим йўқ".

Сом ўғлини олдига чақириб, қўлига номани тутқазди:

— Буни ўқи!

Зол номани ўқиб, кўзларига суртди ва миннатдорчилик билан отаси қўлини ўпди.

Зол отаси мактубини олганча пойтахтга қараб йўл олди.

ЗОЛНИНГ МАНУЧЕХР САРОЙИГА

БОРГАНИ

Зол Эрон пойтахтига етгач, уни тезда Манучеҳр ҳузурига олиб кирдилар. У шаҳанишоҳ тахти рўпарасида ер ўпиб, бир неча дақиқа бошини кўтармасдан турди. Манучеҳр унинг кенг елкалари, куч ёғилиб турган баҳодирона жуссаси, хипча белига разм солди. Сўнг шоҳнинг бўйруғи билан Золнинг юз-кўзидан чанг-губорни артиб, мушк сурдилар.

Шоҳ Золни тахт ёнига ўтқазиб, ҳол сўради:

— Чанг губорли, машаққатли йўллардан қийналмасдан ўтиб келдингми?

— Сенинг шаъну шавкатинг ҳар қандай қийинчиликни осон қиласди, сенинг мўътабар номинг азобларни роҳатта айлантиради,— жавоб берди Зол ва Сомнинг номасини узатди.

Манучеҳр номани ўқиб бўлгач, бошини қуий солди, кўзларини юмиб, бир неча фурсат чўмиб, сўнг деди:

— Дилемдаги дардни оширдинг. Сом бу номани юрак қони билан битибди. Мен унинг номаси устида бир оз мулоҳаза юритишим керак. Сен бир мунча вақт бизнинг саройимизда юра тургин, сенинг ишинг чорасини яхшилаб ўйлаб кўрайлик.

Шоҳ аъёнлари уч кунгача Зслни зиёфатлар ва сайру саёҳатлар билан машғул қилиб турдилар. Бу орада Манучеҳр мунахжимларни чақириб, Золнинг толенини кўриб қўйишни буюрди Улар ҳиндий зич қуриб, уч кунгача юлдузлар ҳаракатини кузатиб, фалакдан Золнинг қисматини кўрдилар ва ниҳоят, тўртингичи куни шаҳаншоҳ ҳузурига келиб, шундай арз қилдилар:

— Юлдузларнинг туриши шуни кўрсатадики, Сомнинг ўғли ва Меҳробнинг қизидан бир паҳлавон ўғил туғилади. У узоқ умр кўради, куч-қувватда жаҳонда ягона, шерга ҳам каманд солгувчи бўлиб, яхшилик билан донг чиқаради, бутун жаҳонга шуҳрати ёйилиб, Эрон лашкарининг сарвари ва пушти-паноҳи бўлади.

Манучеҳр башоратдан хурсанд бўлди, лекин мунахжимларга буюрди:

— Бу сирни бирор кишига айтманг, маҳфий тутинг.

Шаҳаншоҳ энди Золни синааб кўришга қарор қилди ва мўйбадларни саройига чорлади, шаҳзодани эса уларнинг орасига ўтказди. Мўйбадларга Золдан саволлар сўраб, унинг жавобини ёшитишни ва шу йўл билан аслзоданинг ақл-заковатини синааб кўришни буюрди.

Мўйбадлар синовни топишмоқсимон осонроқ саволлардан бошладилар. Улардан бири айтди:

— Ўн иккита дараҳт кўрдим, уларнинг ҳар бирида ўттизта шоҳи ор, бунинг маъноси не бўлур?

Бошқаси сўради:

— Икки чопқир от, бири қора, бири оқ, бири иккинчисини нувлаб чопади, лекин иккови ҳам бир-бирига ета олмайди.

Бу саволларга Зол осонгина жавоб топди.

— Биринчи топишмоқнинг маъноси ўн икки ой ва кунлар синонидир, иккинчисида эса оқ от кунни ва қора от тунни билдиради; улар чиндан ҳам овчи ит қулонни қувгандек бири иккинчисидан қочиб юради.— Золнинг бу ўхшатиши Манучеҳр ва мўйбадларга ёқиб тушди, улар кулиб кобордилар.

Учинчи мўйбаднинг топишмоги қийинроқ бўлди.

— Ўттиз суворий шоҳнинг олдидан ўтадилар,— деди у.— Суворийларни бир санасанг ўттизта, иккинчи санаганингда битта кам чиқади.

Тўйтинчи мўйбад яна бир топишмоқни ўргата ташлади.

— Бир ўтлоқ борки, унинг бошдан-оёғи ўт-ўлан ва ариқлар билан қопанган. Бир киши келиб, бир четдан бор ўтни ҳўл-қуруғига қаламай ўриб ташлайди, ҳеч қандай оҳу өолалар, ёлборишларга кулоқ солмайди.

Бешинчи мўйбад шундай савол қўйди:

— Сертўлқин денгиз ичиди икки сарв кўкка бўй чўзган, бир қулоқ искала сарв учига ин қурибди; қуш қачон бир инидан учеб иккинчисига ўтса, биринчи сарвнинг барглари сўлиб қуруқшайди, иккинчиси эса кўм-кўк бўлади. Ўйлаб топ, денгиз нимаю, сув нимо, қушнинг нима маъниси бор.

Зол бу топишмоқларнинг жавобини ҳам топди.

— Ўттиз суворий — бу ойнинг ўттиз кунидир,— жавоб берди Зол, лекин су сўроқда порсий ой эмас, тозий ой сўралмоқда.

Эбуи донишмандлари Золга турли халқлар тақвимини ҳам ўргатган эдилар.

— Тозийлар тақвимида,— сўзида давом этди Зол,— баъзи ойлар бир ун кам бўлади.— Кейин у ўтлоқ ҳақидаги топишмоқни айтган мўйбадга юз ўгириди.— Сиз айтган бошдан-оёқ сабза ўсан ўтлоқ бу дунёнир, ўроқчи киши эса ажалдир, одамлар гиёҳ кабидир, уларни ажал ўроғи ўриб ташлайди...

Жаҳонда қолдирсак агар яхши ном,
Биздан сүнг фақат шул этадир давом.

Килемшишимиз бұлса ёмонлик, озор,
Ұлым ҳаммасини айлагай ошкор.

Осмон бүйін уйлар барпо этамиз,
Охир беш қарич бұз олиб кетамиз.

Үроқчи замондир, биз эсак гиёх.
Хоқ бұлсін набира, бобо бұлсін хоқ —

Унинг учун оғидир, овланур бари,
Унинг-чун бари бир, ёшми у қари.

Тартибу асоси шундай бу жаҳон,
Онадан түгілмас ўлмайдыган жон.

Бу эшикдан кирап, бошқадан чиқар,
Замона нафасинг ҳисоблаб турар.

Денгизу сарв ҳақидағи топишмоққа келсак, иккі сарв осмоннинг иккі буржы — барра, яғни ҳамал ва мезондир. Қүш офтобдир. Офтоб ҳамал буржига киргanza да баҳор бошланади. Ҳамалдан мезонгача ярим йил ҳаво соғ ва иссиқ, дараҳтлар ва гиёхлар күм-күк бўлади. Шундан сүнг қүш иккинчи инга учиб ўтади — қуёш мезон буржига киради ва куз фасли бошланади, унинг кетидан эса қишилди. Йилнинг бу ярмида осмон булатли, дараҳту гиёхлар сўлғин бўладилар.

— Офарин! — Золга қараб нидо қилди Манучеҳр.

— Ақсант! Кўп яша! — хитоб қилдилар мўъбадлар.

Золининг синови ҳали бу билан тугамаганди — эртаси куни у Манучеҳр ҳузурига келиб, отасини соғинганини важ қилди ва ватанга қайтишга рухсат сўради, лекин шаҳаншоҳ унга рухсат бермади.

— Тағин бир-икки кун сабр қил, — деди у. — Мен сенинг маҳоратингни жанг майдонида ҳам синаб кўрмоқчиман. — Шаҳаншоҳ кейин мийигида кулиб қўшиб қўйди. — Биламан, сен отанг Сом дийдорини эмас, балки Рӯдобанинг рухсорини соғингансан.

Шаҳаншоҳ амри билан ҳиндий қўнғироқлар ва ноғоралар, карнайлар чалинди. Паҳлавонлар гурзию камон, шамширу найза билан майдонга чиқдилар, куч ва маҳорат синови бўшланди. Манучеҳр супада ўтириб, томоша қила бошлади. Зол ҳам отлиқ майдонга кириб келди. Майдонда бир кўхна дараҳт бўлиб, камондор сарбозлар унга ўқ отиб, машқ қиласар эдилар. Дараҳтнинг танасига

кудай күп ўқлар қадалган эди. Зол от чотириб келди-да, дарахтга арашында ўқ отди, унинг ўқи дарахт танасини тешиб, нариги сомесидан чиқди. Бундан кейин найзабозлик мусобақаси шашынди. Мусобақанинг шарти шу эдики, жангчи ўз ҳарифига майзанни отиб, унинг қалқонини тешиши керак эди. Золи Зарнинг оғаси найзаси қаторасига қўйилган учта қалқонни тешиб ўтиб, етга қадалди.

Шу пайтда даштда сарбозлар уруш машиқини қилиб, ҳар бир сорорий бошқаси билан куч синашар эди. Зол отини майдонга солиб улар орасида ҳаммадан зўрроқ кўринган паҳлавонга ҳамла қўлди. Ҳариф қочди. Зол унинг кетидан қувиб, чанг-тўзон ичидан унга ўлбарсек ташланди, уни камаридан маҳкам тутиб, эгардан даст ўтариб олди ва ерга отди. Буни кўрган шоҳ ва сарбозлари ёқиши шладилар, чунки бу паҳлавон шу пайтгача бирордан енилган эди.

Шудай қилиб, Золи Зар жанговарлик синовларидан ҳам газаба билан ўтди. Манучеҳр Сомнинг хатига жавоб ёзиб, унинг баради ўғлидан хурсанд эканлигини билдири ва уни таъриф қиди.

Сенга насиб этмиш Золдек мард ўғил,
Жанг вақти шер ундан бўлади хижил.

Чавандозу кўрқмас, хунарманд экан,
Нишони қолгудек мард фарзанд экан,

Келиб изҳор этди бизга комини,
Орзуси, умиди, дил оромини.

Маъқул топдим унинг орзусин бутун,
Ёрқин кунлар бўлди бирга ўтган кун.

Шердан шер туғилар, палангдан паланг,
Унинг панжасидан ожиздир наҳанг.

Буқун кузатаман уни мен шодмон,
Ундан узоқ бўлсин бари бадгумон.

Шоҳи тоҳ мактубида Сомнинг сўзларини маъқуллагани, Золнинг Рўдобига йиланишига рози эканлигини билдириб, Кобулни ёндириб, Мехроб билан қариндошларини ўлдириш ҳақидаги буйругини бекор қилганини битди.

Шоҳи тоҳири билан Золга хос чопонлар кийдирдилар, унга саҳийирчи ҳадялар бериб, Зобулга жўнатдилар.

КОБУЛДАГИ ХУРСАНДЧИЛИК

Манучеҳр тўйга розилик берганлиги ҳақидаги хабар қуш қанотида Кобулга етиб келди, Меҳроб ва унинг оиласи беҳад қувондилар. Ҳукмдор ўз ёстиқдоши Синдухтга бўлган минатдорчилигини қандай изҳор қилишни билмас эди.

— Эй, менинг заковатли ва довюрак ёрим,— дер эди у,— менинг жондан азиз маҳбубам, нозаниним, сенинг ақлу тадбиркорлигинг туфайли бизнинг устимизда тўплланган қора булат тарқалди. Сен ширин жонингни Сомнинг шамширига қалқон қилдинг, унинг хусуматини меҳрга айлантиридинг, Кобулни ёнғиндан, кобулликларни қирғин-баротдан сақладинг.

Рўдоба оҳу мисол кўзларидан гулдек чехрасига шодлик ёшларини шашқатор қилиб, онасини қучоқлар, ўпар, унга миннатдорчилик изҳор қиласди:

Оёғинг тупроғин айлайнин болиш,
Раъйинг-ла иш тутай, айла фармоиши.

Сенга боқсан ёвуз кўзи тешилсан,
Дилингда доимо шодлик жўш урсин.

Хушхабар етиб келгандан кўп вақт ўтмай куёвнинг ўзи ҳам отаси билан Кобулга ташриф буюрди. Уларни муносиб кутиб олиш учун Кобул шаҳрини безадилар. Кейин тўй бошланди, Зол ва Рўдоба мурод-мақсадларига етдилар, уларнинг ишқи мазҳабий таассубни енгди, хусуматни муҳаббатга, душманларни дўсту қариндошга айлантириди.

Кобулистонда бошланган тўй кейин уч-ҳафта Зобулистонда давом этди, барча ўйин-кулгу, айшу ишрат билан кўнгилларини шод этдилар.

РУСТАМНИНГ ОНАДАН ТУФИЛГАНИ

Рўдобанинг ҳомиладорлик ой-кунлари ниҳоятда қаттиқ азоб билан кечарди: унинг қорни ҳаддан ташқари катта ва қаттиқ бўлиб кетган, танаси семириб оғирлашган, ҳуснининг кўнгилларни ром қилувчи баҳори сўлиб, заъфарондай нурсиз бўлиб қолган эди. Юкининг оғирлигидан йўл юриш ҳам унга малол келар, ўтиrsa ўрнидан туролмасди. Онаси Синдухт шахсан уни парвариш қиласди.

Азобда, уйқусиз ўтиб туну кун,
Ниҳоят ой-куни етиши яқин.

Қорнидаги тошми, ё катта харсанг,
Е қүйилган яхлит темирдан яланг.

Қийнала-қийнала ҳушидан кетди,
Саройда оху воҳ фалакка етди.

Синдухт ва Золи Зар бу ҳолдан қўрқиб кетдилар, нима қилишни
билимай шошдилар, шунда тўсатдан Золнинг эсига Симурғ тушди.
Гези манқалага ўт ёқиб, Зол Симурғ патидан бир парчасини унга
олди.

Зум ўтмай қоронги бўлди осмон,
Булутдек етишди Симурғ шу замон.

Булутки, томчиси дур-маржон эрур,
Маржонки, донаси завқи жон эрур.

Зол унга таъзим қилиб, шаънига қўп мақтовлар айтди, сўнг ўз
мушкулини изҳор этди. Симурғ унга шундай деди:

Бу кумуш баданили моҳилиқодан,
Бир ўғил туғилар, шерюрак, филтан.

Ақлда мисоли Соми санг бўлур,
Қаҳрда мисоли шери жанг бўлур.

Қомати сарв бўлур, аммо кучи фил,
Найза отса, учиб борар икки мил.

Эл қатори келмас дунёга аммо,
Унга мадад бергай меҳрибон худо.


— Зулиқ билан бир моқир жарроҳ топиб келинглар,— буюрди
Симурғ.— Бону қўрқмасин учун уни шароб ичириб маст қилсин ва
санчиқчида қамалиб ётган шерни озод қилсин.

Жарроҳ Симурғ айтгандек, Рўдобага шароб ичириб қўйиб, ўткир
ханкар билан биқинини тилди ва болани чиқазиб олди; маст бўлиб
ётган Рўдобра унчалик оғриқни ҳам сезмади. Шундан сўнг жарроҳ
Рўдобра билан биқинини қайта тикиб қўйди, Симурғ келтирган гиёҳни
сут ва мушкка аралаштириб, дори тайёrlади ва дорини тикилган
жойга селиб, захмга Симурғ патини суртишни буюрди; табибининг
айтигини бажо келтирдилар. Рўдобра шароб таъсирида бир
кеча кундуз ухлади, ўзига келиб уйғонгандан эса унинг захми ҳам
тузасиб бўлган эди.

Синдухт, Зол ва канизлар гўдакни кўтариб ҳайратга тушдилар.
Чақароқ тўрт мучаси соғ бир яшар бақувват боладек эди. Ўзига

келган Рўдоба ҳам меҳр билан боласига қаради ва енгил оҳ билан:
"Рустам!"— яъни, дарду азобдан "қутидим!"— деди. Навниҳол она
фарзандини биринчи бор кўриб, тилига олган ана шу сўз боланинг
номи бўлди, яъни унинг оти Рустам қўйилди.

Рустамни ўнта доя эмизарди. Сутдан чиққач эса у бешта
боланинг овқатини ея бошлади. Саккиз яшарлигига алпгавда,
бақувват ўспирин бўлиб етишди, қадду қомати, бўй басти, юриши
туриши худди бобоси Соми Достонга қўйиб қўйғандек ўхшар эди.



Мэзкур нашрга оид барча фикр-мулоҳазаларни қуидаги манзилга йўлланг:
700003, Тошкент — 3, Арпапоя, 9^а
Сотимхон Ҳожи Иномхўжаев

Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириётининг
компьютер бўлимида терилди.

ФИРДОУСИ

ШАХНАМЕ

(“Поэма о Семурге и Золе”)

На узбекском языке

Ташкен, “Фан”

ИБ № 6114

Босиш рухсат этилди 06.10.93. Қоғоз бичими 60x84¹/16. Босмахона қоғози №1.
Адабийтарнитура. Юқори босма. Шартли босма табақ 2,32. Ҳисоб нашириёт табаги
2,5. 50000 нусха. буюртма. Бебаҳо.

№1392.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашириёти. 700047, Тошкент,
Гоголь кўчаси, 70.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуоти қўмитаси. Тошкент, Ибн Сино номидаги
нашириятматбаа бирлашмасининг босмахонаси. 700200, Тошкент, Радиал тор
кўчаси, 10.